Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!

O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2012-yil 25-iyul, chorshanba ✱ № 31 (783) ✱ 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ✱ elektron manzil: info@uzhurriyat.uz ✱ www.uzhurriyat.uz

► ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 20 ЙИЛЛИГИГА

Асосий Қонунимизнинг салоҳияти

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши мамлакат келажагини, унинг сиёсий-иқтисодий, маданий-маънавий ва ҳуқуқий тараққиётининг пировард мақсадларини аниқ-равшан белгилаб олишга хизмат қилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов алоҳида таъкидлаганидек, "Конституциямизнинг ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган беқиёс аҳамияти ва тарихий ролини, биринчи навбатда, биз учун мутлақо янги бўлган миллий давлатчилик ва унинг ижтимоий-сиёсий тизимини яратиш, демократик тамойиллар асосига қурилган сиёсий ва иқтисодий тизимни шакллантириш учун зарур бўлган ҳуқуқий пойдеворни айнан Асосий Қонунимиз белгилаб берганида кўрамиз".

Жаҳон ҳамжамияти томонидан тараққиётнинг "ўзбек модели" сифатида эътироф этилган, инсон манфаатларига қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар, демократик янгиланишлар мамлакатимизда Конституциямизнинг қоида ва нормаларига таянган ҳолда амалга оширилмоқда ҳамда фуқаролик жамияти барпо этилмоқда. Асосий қомусимиз мустақил тараққиётимизнинг 21 йиллик ҳаётий синовидан муваффақиятли ўтди, миллий давлатчиликнинг ижтимоий-сиёсий тизимини яратиш, демократик тамойилларга асосланган сиёсий ва иқтисодий тизимни шакллантиришда ҳуқуқий пойдевор вазифасини ўтади. Таъбир жоиз бўлса, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг салоҳияти, қоида ва нормалари ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасида тўла-тўкис намоён бўлмоқда. Буни қуйидагиларда кўриш мумкин.

Биринчидан, Асосий Қонунимиз инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, эркинликларининг давлат манфаатларидан устуворлигини мустаҳкамлади. Халқимизга муносиб турмуш шароити яратишни ўзининг туб мақсади этиб белгилади, ижтимоий адолат тамойилларини эълон қилди. 2 »

► "ОЛИМПИАДА – 2012"

Ўзбекистон спорт делегацияси Лондонга жўнаб кетди

Ўзбекистон спорт делегацияси XXX ёзги Олимпия ўйинларида иштирок этиш учун 24 июль куни Буюк Британия пойтахти Лондон шаҳрига жўнаб кетди.

Тошкент халқаро аэропортида спортчиларимизни Олимпия ўйинларига тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди. Шу муносабат билан бу ерга давлат ва жамоат ташкилотлари, спорт жамоатчилиги вакиллари, спортчиларнинг отаоналари, оммавий ахборот воситалари ходимлари йиғилди.

Тадбирда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, спортни ривожлантириш, халқаро майдонларда Ватан шарафини муносиб ҳимоя қила оладиган ёш иқтидор эгаларини тарбиялаш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга доимий эътибор қаратилаётгани алоҳида таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолияти ҳамда уч босқичли узлуксиз спорт тизими — "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", Универсиада спорт ўйинлари навқирон авлоднинг жисмонан соғлом, маънан етук бўлиб вояга етишига хизмат қилиш билан бирга, Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир ёшларни тарбиялашга ҳам хизмат қилмоқда. 2 »

Бир ўғлоннинг қудрати

Ўзбек спортчиларига

Арслонларнинг ҳамласи
арслонларга хос бўлгай,
Полвонларнинг панжаси
қоплонларга хос бўлгай.

Бир ўғлон ўстирган юрт —
минг қўрғон ўстиргайдир,
Бир ўғлоннинг қудрати
қўрғонларга хос бўлгай.

Тилга сўз берган Ватан,
қошу кўз берган Ватан,
Ору номуси соҳиб
қиронларга хос бўлгай.

Султонлардан дуолар
олган ботир фарзандим,
Топган шаъну шавкатинг
султонларга хос бўлгай.

Қадду қоматларингни
Алпомишга мос бермиш,
Бўю бастинг сен ўсган
давронларга хос бўлгай.

Бургутларнинг парвози
бургутларга муносиб,
Ерда ёйган қулочинг
осмонларга хос бўлгай.

Миллён ўзбек боласин
қалбларига куч бердинг,
Изларингдан келар бу —
карвонларга хос бўлгай.

Темурийлар тупроғин
тузин тотган ўғлоннинг
Бир муштин зарбаси ҳам
жаҳонларга хос бўлгай.

Сирожиддин САЙЙИД
Ўзбекистон халқ шоири

► ТАҲЛИЛ

Ютуқларимиз кўп,

аммо қиладиган ишлар ҳам кам эмас

Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида нодавлат нотижорат ташкилотларининг алоҳида ўрни бор. Бинобарин, мамлакатимизда уларнинг фаолиятини такомиллаштириш, ривожлантириш мақсадида «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»га Қонун қабул қилинди. Ва унинг ижросини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар натижасини назорат қилишга мутасаддилар томонидан эътибор қаратиб келинмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати қўмиталарининг 2012 йилга мўлжалланган қонунчилик ва назорат фаолияти режасига мувофиқ Сенатнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан тузилган ишчи гуруҳи ушбу қонуннинг Наманган ва Жиззах вилоятларида маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан ижросига амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида жойларда бўлди. Наманган вилоятидан 183 та, Жиззах вилоятидаги 172 та нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти ўрганилди.

Эътироф этиш керак, мазкур вилоятларда бу борада муайян ишлар, хайрли тадбирлар амалга оширилган. Кези келганда вилоятларда фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳақида қисқача маълумот бериб ўтсак. Маълумки, Наманган вилояти адлия бошқармаси томонидан жами 350 та нодавлат нотижорат ташкилотлари рўйхатга олинган. Уларнинг 166 таси вилоят, 184 таси туман ёки шаҳар ҳудудида фаолият юритиб келяпти. 8 таси экология, 17 таси хотин-қизлар, 42 таси ёшлар ва болаларни ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш, 36 таси ҳуқуқий ва демократик институтларни ривожлантириш, 46 таси спорт, 23 таси ногиронларни ҳимоя қилиш, 11 таси тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, 12 таси тиббиёт, 5 таси маданий марказлар, 4 таси илмий-техника, фан ва 146 таси бошқа соҳаларда фаолият кўрсатади. 3 »

► ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ ДАВОМ ЭТМОҚДА

«ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ»

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Миллий телерадиокомпания, «Ўзбеккино» Миллий агентлиги, Бадиий академия, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамда Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди билан ҳамкорликда ёзувчи ва шоирларни, журналистлар, тасвирий ва кино санъати намояндаларини эркин, озод ва фаровон ҳаётимиз, ғурур-ифтихоримиз тимсоли, эзгу орзу-интилишларимиз, ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётбахш манбаи — мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма бир йиллигига бағишлаб «Энг улуғ, энг азиз» анъанавий танловини ўтказмоқда.

Танловга **«ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!»** деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган ижодий ишлар қабул қилинади. Тақдим этиладиган асарларда мамлакатимизда мустақиллик йилларида барча соҳаларда улкан ютуқларга эришилгани, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаёти, хавфсизлик ва барқарорлик таъминлангани, Ватанимизнинг қудрати ва салоҳияти, халқаро майдондаги обрў-эътибори тобора ортиб бораётгани, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳот ва ўзгаришларнинг моҳияти ва аҳамияти, аҳолининг, айниқса, ёшларимизнинг онгу тафаккури, сиёсий савияси, ижтимоий фаоллиги ошиб бораётгани, қишлоқ ва шаҳарларимиз, бутун мамлакатимизнинг қиёфаси тубдан ўзгараётгани, ҳар бир юртдошимиз ўз истеъдоди ва қобилиятини намоён этиши учун янгидан-янги имкониятлар яратилаётгани кенг ёритилган бўлиши керак.

Шунингдек, танловга тақдим этилган материаллар ўтган давр мобайнида халқимиз мураккаб ва машаққатли йўлни босиб ўтганини, ўзининг мустаҳкам иродаси, қатъият ва матонати ҳамда юксак инсоний фазилатларини намоён этишга эришганини, жамиятимизда миллатлар ва фуқаролар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат муҳити тобора мустаҳкамланиб бораётганини, бетакрор меросимиз, бой тарихимиз, урф-одат ва анъаналаримизнинг қайта тиклангани, одамларимизнинг дунёқараши тубдан ўзгариб, Ватан тақдири ва истиқболига дахлдорлик туйғуси маънавий ҳаётимизнинг узвий қисмига айланиб бораётганини, «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурининг ижобий самараларини мамлакатимизда ва халқаро жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилишга қаратилган бўлиши зарур.

«Энг улуғ, энг азиз» танлови
қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

- **ёзувчи ва шоирларнинг бадиий асарлари;**
- **босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари;**
- **телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари;**
- **тасвирий санъат асарлари;**
- **кино санъати асарлари.**

Танловга тақдим этилган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

- *муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;*
- *муаллифнинг паспорти нусхаси;*
- *иш жойидан тавсиянома;*
- *муаллифнинг манзили ва боғланиш телефонлари.*

Танловга 2011 йилнинг 1 августидан 2012 йилнинг 1 августигача бўлган даврда чоп этилган бадиий асарлар, газета-журналлар ва интернет нашрларида эълон қилинган мақолалар, радио ва телевидение каналларида эфирга узатилган материаллар, шунингдек, тасвирий санъат ва кино санъати асарлари жорий йилнинг 5 августигача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари Ватанимиз мустақиллигининг йигирма бир йиллик байрами арафасида мукофотланадилар ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Ижодий ишлар «Энг улуғ, энг азиз» танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси,
Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси
Телефонлар: 244-12-61; 244-64-61; 244-27-79.

Асосий Қонунимизнинг салоҳияти

(Бошланиши 1-бетда.)

Истиқлолнинг илк йилларидан эътиборан инсонни ҳуқуқий, иқтисодий-ижтимоий ҳимояси, унинг ҳар тарафлама камолоти учун зарур шарт-шароитларни яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди.

Мамлакатимизда Республика Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, "Ижтимоий фикр" жамоатчилик маркази, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти каби миллий институтларни ўзида жамлаган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимояловчи тизим шакллантирилди. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлайдиган 300 дан зиёд қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши жамиятни демократик янгилашнинг ҳуқуқий негизи бўлди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов **"Юксак маънавият — енгилмас куч"** асарида кўрсатиб ўтганидек, **"Биз амалга оширилаётган ислоҳотларимизда барча ўзгариш ва янгиланишларнинг марказига инсон ва унинг манфаатларини қўйдик. Шунинг учун ҳам бугунги кунда ана шу жараёнларнинг моҳиятида "ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало, инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун хизмат қилиши керак" деган мақсад мужассам эканини ва унинг амалий ифодасини барча соҳаларда кўриш, кузатиш қийин эмас".**

Ҳақиқатан ҳам истиқлол йилларида мамлакатда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 3,5 баробарга , аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 2,5 баробар, ўртача иш ҳақи 16 баробар, аҳолининг реал даромадлари эса 3,8 баробарга ортди. Аҳолини ижтимоий ҳимоялашга йўналтирилган давлат харажатлари 5 баробарга кўпайди.

Иккинчидан, Конституция қонун устуворлиги, унинг барча фуқаролар учун тенглигини, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлинишининг ҳуқуқий тамойилларини белгилаб қўйди. Уларнинг мустақил ҳокимият тармоғи сифатида ривожланишини кучайтиришга, демократик давлатнинг асосий шарти бўлган ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали механизмини шакллантиришга қаратилган қонуний негизни барпо этди.

Конституция амалда бўлган йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 600 дан ортиқ қонун, шу жумладан, 7 та конституциявий қонун, 15 та кодекс қабул қилинди, 200 дан зиёд кўп томонлама халқаро шартномалар ратификация қилинди. Яъни Асосий Қонунимиз давлат ва жамиятнинг барча жабҳаларини ҳуқуқий тартибга солишнинг яхлит миллий механизмини яратди.

Асосий Қомусимизнинг амал қилиши барқарор конституциявий тартибни ўрнатишга хизмат қилди. Давлат тузилиши соҳасида ҳуқуқий давлатчиликнинг муҳим белгиси — ҳокимият ваколатлари бўлиниши тамойили асосида давлат органлари тизими шакллантирилди. Ушбу конституциявий тамойилни ҳаётга изчил татбиқ этиш ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш механизмининг самарали амал этишини ва манфаатлар мувозанатини таъминлади. Жойларда қонун чиқарувчи ва вакиллик ҳокимиятининг ваколатлари ҳамда назорат вазифаларининг роли кучайтирилди.

Қонун чиқарувчи ҳокимият тубдан ислоҳ қилинди. Мамлакатда икки палатали парламентнинг ташкил этилиши қонун ижодкорлиги сифатини янада яхшилаш, умумдавлат ва ҳудудий манфаатларнинг мутаносиблигига эришишга хизмат қилди. Кўпчилиги халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари вакилларидан ташкил топган юқори палата — Сенат ҳудудлар манфаатларини ифода этмоқда, қуйи — Қонунчилик палатаси эса ўз фаолиятини доимий профессионал асосда амалга оширяпти.

Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва либераллаштириш йўналишида 60 дан ортиқ қонун қабул қилиниб, жиноий жазолашнинг жаҳонда энг инсонпарвар, либерал тизими яратилди, адвокатура институти ислоҳ қилинди, суд қарорларининг ижроси тизими, прокуратура фаолияти такомиллаштирилди. 2008 йил 1 январдан бошлаб эса мамлакатда ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида, шунингдек, "Хабеас корпус" ва Миранда қоидалари каби демократик институтларни жорий этадиган, яъни фуқароларни қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини прокуратурадан судларга ўтказиш тўғрисидаги қонунлар кучга кирди.

Учинчидан, Асосий Қонунимиз кўппартиявийлик тизимининг эркин фаолияти, сиёсий партиялар ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши ва ривожланиши учун ҳуқуқий база яратди, сайлов тизимининг асосий тамойил ва механизмларини тасдиқлади. Сиёсий партияларнинг мамлакатимиз олий қонунчилик органи, жойлардаги ҳокимият вакиллик органлари фаолиятидаги роли ва таъсири сезиларли даражада ортди. Қонунларимизда давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловларнинг фақат кўппартиявийлик асосида ўтказилиши қатъий белгилаб қўйилди. Мамлакат Президенти лавозимига, Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни сиёсий партиялар томонидан, маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзодларни эса — сиёсий партияларнинг жойлардаги тегишли органлари томонидан кўрсатилиши тўғрисидаги принципиал қоида мустаҳкамланди.

Тўртинчидан, Қомусимиз миллий истиқлол ғоясини ва умумбашарий қадриятларнинг энг ижобий жиҳатларини ўзида мужассам этгани ҳолда, миллий анъаналаримиз, она тилимиз, халқимизнинг бебаҳо қадриятлари ва маданий мероси тикланишини таъминлади. Инсонларнинг маънан етук ва ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишлари учун зарур шарт-шароитларни яратди. Она тилимиз давлат тили мақомига эга бўлди, мустабид тузум даврида қатағон қилинган Наврўз умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланмоқда. Жаҳон маданий меросининг ноёб дурдоналари саналган тарихий обидалар мукаммал таъмирланиб, муқаддас қадамжоларга айлантирилди. Халқимиз қалбидан чуқур жой олган, инсоний қадриятлар — ҳақ ва ҳақиқат, инсоф ва адолат, меҳр-оқибат, шафқат ва бошқа фазилатларни ўзида мужассам этган Ислом динининг олижаноб маъно-моҳияти кучайди. Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Муҳаммад Мусо Хоразмий, Маҳмуд Замаҳшарий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби буюк мутафаккир ва алломаларимиз эъзозланди.

Бешинчидан, Конституциямиз миллий, кўпукладли иқтисодиётимиз асосларини мустаҳкамлади, эркин, ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига босқичма-босқич, изчил ўтиш учун шарт-шароит яратди, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлади. Миллий иқтисодиётни ислоҳ этиш юзасидан қабул қилинган 400 дан зиёд қонун ҳужжатлари бозор муносабатларининг мустаҳкам ҳуқуқий асосигина эмас, балки амалга оширилаётган янгиланиш ва ўзгаришларнинг ортга қайтмаслигининг кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.

Асосий Қонунимиз томонидан кафолатланган иқтисодий ҳуқуқлар самарасини аҳоли реал иш ҳақи ва даромадларининг юксак ўсиш суръатларида, иқтисодиётимиздаги таркибий ўзгаришлар ва яқин йилларда ишлаб чиқариши ўзлаштирилган янги, рақобатдош маҳсулотларнинг жаҳон бозорига чиқарилаётганида, муҳташам иншоотлар ва ишлаб чиқариш корхоналари, ижтимоий объектлар, турар-жой биноларини барпо этишдек бунёдкорлик ишларида, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳаларида қўлга киритаётган улкан ютуқларда кўриш мумкин.

Бу халқаро ҳамжамият томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Жумладан, Халқаро валюта жамғармасининг баёнотида "Ўзбекистон жадал ўсишга эришди ва глобал молиявий инқирозга қарши самарали чоралар кўрди. Кейинги беш йилда Ўзбекистонда ўсиш суръатлари ўртача 8,5 фоизни ташкил этди ва бу Марказий Осиёдаги ўртача ўсиш кўрсаткичидан юқоридир" деб кўрсатилган.

2000-2011 йилларда республикада ялпи ички маҳсулот ҳажми 2,1 бараварга ошиб, мазкур кўрсаткич бўйича Ўзбекистон дунёнинг иқтисодиёти жадал ўсаётган мамлакатлари сафига кирди.

Ўзбекистон Конституцияси тўғридан-тўғри ва бевосита амал қиладиган ҳужжат эканлигини ҳам алоҳида таъкидлаш зарур. Асосий Қонун нормаларининг тўғридан-тўғри амал қилиши унинг олий юридик кучга эгалигидан далолатдир. Конституция нормалари бевосита амал қилишининг аҳамияти конституциявий нормалар асосида фуқаро ҳуқуқларга эга бўлиши ва уларни ҳимоя қилиш учун фақат Конституция моддасига асосланиб суд ёки бошқа давлат органига мурожаат қилиши мумкинлигида акс этади. Бунда суд ёки давлат органи ушбу нормани аниқлаштирувчи қонун ҳужжати йўқлиги боис ишни кўриб чиқишни рад эта олмайди. Конституциянинг бевосита амал қилиши давлат органлари Конституция нормаларини муайян ишларни хал қилишда ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида бевосита норматив асос деб ҳисоблаши лозимлигини билдиради.

Ўзбекистон Конституцияси нормаларининг бевосита амалга ошириш доираси давлат органлари томонидан конституциявий нормаларни мустақил қўллаш билан чекланмайди. Конституциявий нормалар жорий қонун ҳужжатлари билан бир қаторда амалга оширилганда ҳам, Конституция нормалари бевосита амал қилиш хусусиятини йўқотмайди.

Ўзбекистон Конституциясининг бевосита амал қилиши мамлакатда конституциявий қонунийликни таъминлаш ва унга риоя қилишнинг зарур шартидир. Бу ҳуқуқлари бузилган ҳар бир шахс ушбу ҳуқуқлар жорий қонунчиликда белгиланмаган тақдирда ҳам уларни ҳимоя қилиш учун давлат органларига мурожаат қилиши мумкинлигидан далолат беради.

Ўзбекистоннинг қарийб йигирма бир йиллик мустақил тараққиёт йўли, дунё жамоатчилиги кенг эътироф этаётган оламшумул ютуқлар — иқтисодиётимизнинг барқарор тараққиёти, аҳоли фаровонлиги ва турмуш сифатининг ошаётганлиги, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаганлиги Конституциямиз негизидан ўрин олган чуқур ва пухта ўйланган мақсад, принцип ва нормаларнинг ҳаётбахш рўёби эканлигидан яққол далолат бермоқда.

А.САИДОВ,
юридик фанлари доктори,
профессор

Ўзбекистон спорт делегацияси Лондонга жўнаб кетди

(Бошланиши 1-бетда.)

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида қад ростлаган замонавий спорт мажмуалари, спорт саройлари, стадионлар, гимнастика марказлари, кортлар доимо ўғил-қизлар билан гавжум.

— Мустақиллик шарофати билан ўзбекистонлик спортчилар жаҳон майдонларига дадил чиқмоқда ва зафар қучмоқда, — дейди бокс бўйича жаҳон чемпионати совриндори, Осиё ўйинларининг икки карра ғолиби Элшод Расулов. — Халқаро майдондаги нуфузли мусобақаларда, хусусан, Олимпия ўйинларида қатнашаётган ҳар бир спортчимиз ортида ўзини мана шундай юксак даражага етказган Ватанимиз, халқимиз турганини, яратилаётган шароитларнинг барчаси истиқлолимиз шарофати эканини чин дилдан ҳис қилади. Мана шу туйғу биз, спортчиларга куч-қувват ва ишонч бағишлайди. XXX ёзги Олимпия ўйинлари ҳам Ўзбекистон спортчилари учун самарали бўлиши шубҳасиз. Мен ҳам Лондон Олимпиадасида муваффақиятли иштирок этиб, Президентимиз ва халқимиз ишончини оқлашга ҳаракат қиламан. Олимпиячиларимиз халқимизнинг энг улуғ, энг азиз байрами — Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллик шодиёнасига муносиб совғалар тайёрлашига ишончимиз комил.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Арипов, Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Р.Жой сўзга чиқди.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
ЎзА мухбири

Суратларда: *XXX ёзги Олимпия ўйинларида иштирок этадиган спортчиларимиз.*

Аъло АБДУЛЛАЕВ
(ЎзА) олган суратлар

Лондон жаҳон атлетларига мунтазир

2012 йилги спорт мавсумининг энг нуфузли тадбири — Буюк Британия пойтахти Лондон шаҳрида ўтадиган XXX ёзги Олимпия ўйинлари бошланишига саноқли кунлар қолди.

Лондон Олимпия ўйинлари учинчи бор ўтказилаётган ягона шаҳардир. Ушбу шаҳар бундан аввал 1908 ва 1948 йилларда мазкур нуфузли мусобақани қабул қилган. Британияда навбатдаги Олимпия ўйинларини юқори савияда ўтказиш учун кенг кўламли чора-тадбирлар кўрилди. «Aquatics Centre» сув ҳавзалари саройи, стадионлар, спорт майдонлари, томошабинлар учун махсус жойлар барпо этилди. XXX ёзги Олимпия ўйинлари ғолиблари учун мўлжалланган медаллар бундан бир йил аввал тайёрлаб қўйилганди. Машҳур рассом ва дизайнер Дэвид Уоткинс томонидан ишланган мазкур медаллар Трафальгар майдонида малика Анна иштирокида кенг оммага намойиш этилди.

Олимпиада ташкилотчиларининг сўзларига қараганда, мусобақалар ўтказиладиган барча майдонларнинг қурилиш ишларида тўқсон фоиз экологик тоза маҳсулотлар, асбоб-ускуналар, техника ва технологиялардан фойдаланилган. Мамлакат ҳукумати Олимпия ўйинлари давомида иштирокчилар ва меҳмонларга автомобиллардан фойдаланишни қатъиян тақиқлади. Бунинг ўрнига уларга жамоат транспорти ҳамда велосипедда ҳаракатланиш тавсия этилмоқда.

Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, Лондон метроси ва «Docklands Light Railway» темирйўл линиялари қайта таъмирланган. Иштирокчилар ва меҳмонларга қулайлик яратиш мақсадида «The Olympic Javelin» номли тезюрар поездлар хизмати йўлга қўйилди.

Мамлакат ҳукумати Олимпия ўйинлари давомида сайёҳларни янада кенгроқ жалб қилиш мақсадида, алоҳида дастурлар ишлаб чиққан. Янги ташкил топган «Limited Edition London» компанияси томонидан меҳмонларга турли хилдаги маданий тадбирлар таклиф этилади. Компания вакилларининг фикрича, бундай маданий тадбирлар сўнгги йилларда сайёҳлар оқими анча камайган Буюк Британия иқтисодиётига сезиларли даромад келтиради.

Олимпия ўйинлари давомида хавфсизликни таъминлаш мақсадида ўн икки минг нафар полиция ходими, ўн минг хусусий қўриқчи ва олти минг нафар ҳарбий жалб этилган.

Лондон Олимпиадасида дунёнинг 205 мамлакатидан спортчилар иштирок этиши кутилмоқда.

Мадина УМАРОВА,
ЎзА шарҳловчиси

БАРКАМОЛ АВЛОД ОРЗУСИ

Солиқ билимлари — болаларга

бу борада келажагимиз ворислари ёзги таътил даврида ҳам етарли билим, тушунчага эга бўлишмоқда

Ёз фасли болалар учун энг мароқли давр. Таътил пайтида эртанги кун эгалари оромгоҳлар, ёзги соғломлаштириш масканлари, спорт ва мусиқа мактаблари, умумтаълим мактаблари қошида ташкил этилган кундузги оромгоҳларда ҳордиқ чиқаришади. Шунинг баробарида, барча соҳаларга оид билим ва дунёқарашларини кенгайтириш имконига эга бўлишади.

Айни жиҳатларни инобатга олган ҳолда, вилоят Давлат солиқ бошқармасининг тегишли мутасадди идоралар ҳамкорлигида алоҳида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Шу асосда тажрибали ва малакали мутахассислар жалб этилиб, вилоятимизнинг барча ҳудудларида давра суҳбатлари, юзма-юз мулоқотлар, турли қизиқарли баҳс-мунозаралар ўтказиб келинмоқда.

Белгиланган режага кўра, Қува туманидаги 3 та болалар оромгоҳида "Солиқ ҳақида нимани биласиз?" мавзуида викторина ўйинлари ташкил этилди. Шунингдек, болалар билан ўтказилган қизиқарли учрашувлар давомида мутахассислар ўқувчи ёшларга солиқларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти хусусида атрофлича сўзлаб беришди.

— Замонавий ва қулай шарт-шароитга эга бўлган мактабларда билим олишингиз, ҳар жиҳатдан баркамол бўлиб вояга етишингизда, оилангиз, ота-онангиз тўлаётган солиқлар, хусусан, маҳаллий солиқлар жуда ҳам муҳим аҳамиятга эга, — деди учрашувда сўз олган Қува тумани ДСИ ходими Ҳ.Ҳакимов. — Ёзги оромгоҳда хотиржам дам олаяпсиз, тинчлигимизга рахна солиши мумкин бўлган ёвуз кучларга қарши турадиган миллий армиямиз, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларимиз бор. Мамлакатимизнинг иқтисодий қудрати йилдан-йилга юксалиб, халқимизнинг турмуш фаровонлиги яхшиланиб бораётир. Буларнинг барчаси учун бош омил — солиқлардир.

Қува туманидаги 63-сонли ихтисослашган давлат умумтаълим мактабида ташкил этилган "Ёшлик" оромгоҳида ҳар сменада 125 нафар ўқувчи дам олиши режалаштирилган. Якунига етган биринчи ва иккинчи сменалар давомида туман ДСИнинг Жисмоний шахсларга солиқ солиш бўлимининг шўъба бошлиғи Иззатилло Комилов болаларнинг солиқ соҳасига оид билимларини ошириш учун кенг кўламли тушунтириш-тарғибот ишларини олиб борди.

— Кейинги йилларда ўқувчи ёшларнинг солиқ қонунчилиги билан боғлиқ кўникмалари яхшиланиб бораётгани қувонарлидир, — дейди И.Комилов. — Бу борада мактаб

ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган кўрик-танловларнинг ўрни беқиёсдир. Шу маънода, ёзги таътилдаги саъй-ҳаракатларимиз ҳам ўзининг ижобий самарасини беришига ишонамиз.

Ҳозирда вилоятнинг барча ҳудудларида шаҳар, туман Давлат солиқ инспекцияларининг махсус бириктирилган ходимлари ёзги таътилдан унумли фойдаланиб, солиқ билимдонлари сафини кенгайтиришга баҳоли қудрат ҳисса қўшишмоқда. Сабаби мазкур жараённинг давомийлиги ва доимийлиги таъминлангандагина кўзланган эзгу мақсадларга эришиш мумкин.

Баҳром ОБИДЖОНОВ,
Фарғона вилоят ДСБ
Ахборот хизмати бошлиғи

Ютуқларимиз кўп,

аммо қиладиган ишлар ҳам кам эмас

(Бошланиши 1-бетда.)

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, уларнинг фаолиятини кузатар эканмиз, ташкилотлар аҳоли ижтимоий қатлами — электоратнинг манфаатларини сифатли ва самарали ҳимоя қилишга интилаётганининг гувоҳи бўламиз.

Вилоят Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Нуроний» жамғармаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, Ўзбекистон ногирон ишбилармон аёллар миллий ассоциацияси, «Наманган ёшлар маркази», «Пенчак Силат» республика спорт клуби, «HUNARMAND» уюшмаси, «Тадбиркор аёл», «Аёллар» кенгаши вилоят бўлими, «Косонсой бизнес инкубатори» каби қатор нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан олиб борилаётган хайрли ишлар кўлами кенг.

2008-2011 йиллар мобайнида Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларни қўллаб-қувватлаш жамоат Фонди томонидан ташкил этилган 18 та грант танловларида Наманган вилоятидан 84 та нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўзларининг 102 та ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалари билан иштирок этди. 21 та лойиҳа, жами 213,2 миллион сўм миқдоридаги маблағ молиялаштирилди.

Наманган вилоятида нодавлат нотижорат ташкилотларини бино ва хизмат хоналари билан таъминлаш мақсадида вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан «Матлубот савдо» акциядорлик компаниясига тегишли бўлган тўрт қаватли бинога уларнинг йигирмадан ортиғи жойлаштирилди.

Жиззах вилоятини олайлик. Айни пайтда вилоят адлия бошқармаси томонидан 348 та нодавлат нотижорат ташкилотлари рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг 126 таси вилоят, 222 таси туман ва шаҳар ҳудудида фаолият юритмоқда.

Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат Фонди томонидан ташкил этилган грант танловларида Жиззах вилоятидан 62 та нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўзларининг 62 та ижтимоий аҳамиятга эга бўлган лойиҳалари билан қатнашди. Ғолиб деб топилган 15 та лойиҳа, жами 153,7 миллион сўм миқдорида молиялаштирилган.

Янгиобод туман ҳокимлиги томонидан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Янгиобод туман бўлимининг биноси капитал таъмирлаб берилди. Зомин туман ҳокимлиги томонидан туман Ногиронлар жамиятига уч гектар, Чернобилчилар ассоциациясининг туман бўлимига 7 гектар, «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлинмасига 7 гектар, туман «Нуроний» жамғармасига 10 гектар ер майдони ажратилган.

2009-2011 йиллар давомида Наманган ва Жиззах вилоятлари фуқаролик ишлари бўйича вилоят судларида нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти билан боғлиқ 61 та фуқаролик ишлари кўрилди. Улардан 47 та даъво қаноатлантирилди. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

Вилоятлардаги иқтисодий тараққиёт, ижтимоий ривожланиш омилларини ўрганадиган бўлсак, бундай ижобий ўзгаришларда, албатта, нодавлат нотижорат ташкилотларининг салмоқли улуши бор. Бу ютуқлар ўзимизники, чўнтагимиздаги нақди. Аммо ўрганиш жараёнида ҳар иккала вилоятда ҳам ушбу Қонун ижросини таъминлаш бўйича рўёбга чиқарилган эзгу амаллар билан бир қаторда ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар, йўл қўйилган айрим камчиликлар, эътибордан четда қолган масалалар ҳам борлигидан кўз юма олмаймиз.

Маълумки, Қонуннинг 6-моддасида нодавлат нотижорат ташкилотининг сўровига, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, сўров олинган санадан 30 кунда жавоб қайтарилиши кўрсатиб ўтилган. Афсуски, вилоятлардаги айрим маҳаллий давлат ва бошқарув органлари томонидан нодавлат нотижорат ташкилотларининг мурожаатларига қонунда белгиланган муддатда жавоб қайтарилмаган.

Масалан, Наманган вилояти Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмасининг Норин тумани жамияти томонидан 2012 йилнинг 25 январида Норин тумани ҳокими ўринбосари Ж.Нурматовга, Ўзбекистон ҳакамлик судлари ассоциацияси Наманган вилоят бўлими ваколатхонаси томонидан Тўрақўрғон тумани ҳокимига, Ўзбекистон Чернобилчилар ассоциацияси Наманган бўлими томонидан 2010 йил 15 ноябрь, 2011 йил 6 январь ва 27 апрелда Наманган шаҳар ҳокимига йўлланган мурожаатларига ёзма равишда жавоб берилмаган.

Шунингдек, Қонуннинг 21-моддасида туман, шаҳар ҳудудларида фаолият олиб бораётган нодавлат нотижорат ташкилотлари вилоят адлия бошқармаларида рўйхатдан ўтказилиши белгиланган. Афсуски, айрим жойларда бу борада камчиликларга йўл қўйиляпти. Ўрганиш жараёнида Наманган вилоятида «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Наманган туман бўлими, Наманган тумани Ногиронлар жамияти, Маънавият тарғибот маркази Косонсой, Мингбулоқ, Наманган, Тўрақўрғон туман бўлимлари, шунингдек, Жиззах вилояти Дўстлик тумани Қизил Ярим ой жамияти, Ўзбекистон «Ёшлик» жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг (Фориш туманидан ташқари) 12 та туман ва шаҳар бўлимлари вилоят адлия бошқармаларидан рўйхатдан ўтмасдан фаолият юритаётгани аниқланди.

Юртбошимиз кўп бора таъкидлаганидек, ёшлар мамлакатнинг келажаги, эртанги кунимизнинг эгалари. Бинобарин, жамиятимизда ёшларни жисмонан соғлом, маънан баркамол шахс қилиб вояга етказиш, тарбиялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 26 августдаги «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарорига кўра, республика Маънавият тарғибот маркази ва унинг ҳудудий бўлимлари аҳолининг кенг қатламларини, авваламбор, ёшларни ёт ғоя ва ахборот хуружларидан ҳимоялаш, уларнинг ортида турган кучларнинг ғаразли мақсадларидан огоҳликка чақириш ва бу борада тизимли ишларни амалга ошириш кўзда тутилган. Афсуски, ушбу масъулиятли вазифани жойларда олиб бориш учун ғоявий ва информацион хуружларнинг асосий манбаи бўлган интернет, электрон ўйинлари клублари, электрон (пайнет) тўлов ва диск сотиш шохобчалари тизими фаолиятини ташкил этиш ва таҳлил этишда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари республика Маънавият тарғибот маркази Наманган ва Жиззах вилоятлари бўлимларининг мутахассислари талаб даражасида фойдаланмаяпти.

Очиғи, улар бу борадаги ишларга деярли жалб этилмаяпти. Яна бир ташвишли томони, айрим туман ҳокимликларида республика Маънавият тарғибот маркази туман бўлими ходимлари ўз Низомида белгиланмаган ишларга жалб этилаётганини қандай изоҳлаш мумкин? Оқибатда улар иш режаларида белгиланмаган вазифаларнинг ижросини таъминлай олмаяпти, ҳудудий ташкилот сифатида ўз фаолиятлари кўламини кенгайтиролмаяптилар.

Ҳар иккала вилоятда адлия бошқармалари, туман ҳокимликлари томонидан нодавлат нотижорат ташкилотлари раҳбарлари, ходимларининг ҳуқуқий билимларини оширишдай муҳим масалага панжа ортидан қаралаётган ҳоллар ҳам мавжуд. Масалан, ишчи гуруҳи ўрганиш жараёнида Наманган вилоятининг Чортоқ, Косонсой, Норин, Тўрақўрғон, Янгиқўрғон, Мингбулоқ, Уйчи, шунингдек, Жиззах вилоятининг Арнасой, Зафаробод, Ғаллаорол, Зарбдор, Жиззах, Янгиобод, Пахтакор туманидаги айрим нодавлат нотижорат ташкилотларининг раҳбарлари соҳага оид қонунлар, ташкилотининг фаолияти мазмун-моҳиятини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини тўлиқ билмайди. Бундай ҳолатда улар ташкилотнинг самарали фаолият кўрсатишини қандай таъминлай олади? Боз устига нодавлат нотижорат ташкилоти раҳбарларининг аксарияти Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат Фондидан молиявий кўмак олиш тартиби, шунингдек, менежмент, ижтимоий шериклик бўйича етарли даражада маълумотга ҳам эга эмаслиги ачинарли ҳол, албатта.

Таҳлиллар натижаси шуни кўрсатадики, 2008-2011 йиллар давомида мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик институтларидан жамоат Фонди танловларига 1.523 та лойиҳа тақдим этилган. Бу кўрсаткич мамлакатда ўртача 109 тани ташкил этган ҳолда, Наманган вилоятида тақдим этилган лойиҳалар сони бу кўрсатгичдан 7 тага, Жиззах вилоятида эса 45 тага камдир.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг ривожланиши кўп жиҳатдан аҳоли турли қатлами, жамоатчиликнинг ушбу ташкилотлар ҳақида етарлича маълумотга эга бўлишига бевосита боғлиқ. Зеро, Наманган ва Жиззах вилоятларида нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти хусусида жамоатчиликни доимий равишда хабардорлигини таъминлаш бўйича олиб борилиши лозим бўлган ишлар ўлда-жўлда, талаб даражасида ташкил этилмаганининг гувоҳи бўласиз.

Мазкур вилоятларда, эътироф этиш керак, бу борада Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолиятида кўзга ташланарли хайрли амаллар рўёбга чиққан. Аммо нодавлат нотижорат ташкилотлари ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини амалга ошириш, гуманитар муаммоларни ҳал этишга кенг кўламда жалб қилинмаган.

Бинобарин, Наманган ва Жиззах вилоятларида нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини янада ривожлантириш борасида ҳали қилинадиган юмушлар, ечимини кутаётган масалалар бор. Шуни унутмаслик керакки, ушбу ташкилотларнинг сифатли ва самарали фаолият кўрсатиши жамият тараққиётига ҳисса қўшади.

Халқимиз ҳаётидаги ижобий ўзгаришлар силсиласини ҳаммамиз кўриб-билиб, кузатиб турибмиз. Юртда рўёбга чиқарилаётган бундай эврилишлар замирида қадим қадриятларимизга йўғрилган элимизни аниқ мақсад, орзу-умид, интилиш йўлидаги эзгу амаллари мужассам. Биз биламизки, халқимиз қадимдан ўзаро биродар, кўмакка муҳтожга беғараз ёрдам кўрсатишни улуғ савоб билган, турмуш тарзига чуқур илдиз оттирган. Кези келганда шуни айтмоқчимизки, жамиятимиздаги бугунги нодавлат нотижорат ташкилотлари тарихига назар солсангиз, уларнинг фаолияти мазмун-моҳиятига кўра ана шу теран илдизларга бориб тақалади.

Эркин РУЗМЕТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасида Доимий асосда ишловчи сенатор

ДАВЛАТ ГРАНТИ КАСАНАЧИЛИККА РИВОЖ БЕРДИ

— Хушхабарни эшитдингизми, марказимиз 15 миллион сўмлик грант ютибди.

— Вой, рост айтаяпсизми дугонажон, зап ажойиб иш бўлибди-да.

«Ойдин ҳаёт» марказида ишловчи икки дугонанинг қувончи ичига сиғмасди. Шодланганларича ҳам бор-да. Ахир уч йилдан буён буни орзу қилишар эди. Дарҳақиқат, "Ойдин ҳаёт" соғлом турмуш тарзини тарғиб қилувчи марказнинг Наманган вилояти бўлими мана, уч йилдирки, аҳоли ўртасида соғлом оила муҳитини мустаҳкамлаш, аҳолининг бу борадаги назарий ва амалий билимларини ошириш, жамиятимиздаги маънан етук, ҳур фикрли ёшларни тарбиялаш йўлида ибратли ишларни олиб бормоқда. Таъбир жоиз бўлса, у бугунги кунда жонли тарғиботчи бўлибгина қолмай, жиддий лойиҳаларга ҳам қўл уриб, самарали натижаларга эришмоқда.

«Ойдин ҳаёт»нинг ойдин иқболи

Юқорида айтиб ўтганимиздек, марказ Республика Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш бўйича жамоат Фонди томонидан 2011 йили эълон қилинган давлат гранти дастурида қатнашди. Танловга Рустам Муродов, Иброҳим Маҳкамов, Хадича Хуррамова, Атҳамжон Иномов ва Юлдузхон Шомировалар томонидан ишлаб чиқилган «Қишлоқ жойларида маҳаллий хомашёдан аёллар рўмолларини ишлаб чиқариш йўли билан касаначиликни ривожлантириш ва кенгайтириш» лойиҳаси тақдим этилди. Ушбу лойиҳа «Қишлоқ жойларида янги иш ўринларини яратиш, қишлоқ товар ишлаб чиқарувчилар орасида ҳамкорлик алоқаларини мукаммаллаштириш» номинациясида ғолиб чиқиб, марказ ўн беш миллион сўмлик грант маблағини қўлга киритди.

Лойиҳада кўрсатилганидек, қишлоқ жойларида касаначилик ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш орқали янги иш ўринларини яратиш, аҳолига арзон ва сифатли маҳсулотларни етказиб бериб, маҳсулотга бўлган талабни қондириш мақсадида, аввало, шу соҳанинг усталари ва мутахассислар аниқланди.

Шундан сўнг марказ Наманган тумани Қоратепа МФЙда истиқомат қилувчи 6 нафар касаначи аёлни ҳамкорликка даъват этди. Грант ҳисобидан иккитадан жами олти дона тўқувчи, йигирувчи, пардозловчи ускуналар ва тайёр хомашёни қуритувчи ускуна сотиб олинди. Қисқасини айтганда, касаначи аёлларга ишлаш учун тўлиқ шарт-шароит яратиб берилди. Шунингдек, Поп туманининг Чодак қишлоғидан хом-ашё сифатида 20 килограммдан 40 килограммгача жун келтирилиб, уч босқичли ишлаб чиқариш жараёнида маҳсулот тайёр ҳолатга келтирилади.

— Грант олишдан олдин ҳам марказимиз икки йил фаолият кўрсатган, — дейди «Ойдин ҳаёт» СТТТМ Наманган вилояти раҳбари Юлдузхон Шомирова. — Лекин олиб борган ишларимизни у қадар самарали кечган, дея олмаймиз. Сабаби доимо маблағ муаммоси кўндаланг турар эди. Очиғи, лойиҳамиз мутахассислар томонидан юқори баҳоланади, деб сира кутмагандик. Изланишларимиз ўз самарасини берди. Бу эса кўзда тутилган режалар бўйича ва ундан ташқари ишларни ҳам бажаришга имконият яратди. Лойиҳани рўёбга чиқаришдан асосий мақсадимиз марказнинг моддий эҳтиёжини таъминлаш эмас, балки чекка ҳудудлардаги кўп болали, ишсиз хотин-қизларни фойдали меҳнатга жалб этиш, оилаларнинг даромад олишини таъминлашдан иборат.

Марказ лойиҳага қўшимча қилиб яна бир хайрли ташаббусни амалиётга татбиқ этди. Грант лойиҳаси аъзолари Наманган муҳандислик технологияси институтида ўқиётган 45 нафар талаба қизни дарслардан ташқари пайтда касбга йўналтириш учун бепул ўқитишга қарор қилишди. Улар белгиланган жадвал асосида ўқитилди. Талаба ёшлар амалиётни касаначилик устахонасидаги маҳаллий ярим тайёр маҳсулотлар ва ускуналардан фойдаланган ҳолда ўтказдилар ҳамда курсни муваффақиятли тамомладилар. Қувончлиси, ҳозирда уларнинг ўзлари ҳам тадбиркорлик билан шуғулланмоқда. Гарчи бу ташаббус грант лойиҳасида кўрсатилмаган бўлса-да, ўзининг юқори самарасини берди.

Маҳалла аёлларини мавсумий иш ва иш ҳақи билан таъминланиши бир вақтнинг ўзида оиладаги фарзанд тарбияси назоратдан четда қолмаслиги ва самарали касб билан машғул бўлиш имконини берди. Бу каби давлат грантлари ҳунарманд аёлларни моддий-маънавий томондан қўллаб-қувватлашга қаратилгани жуда қувонарли ҳол.

Айтмоқчи, марказда яна бир хайрли анъана йўлга қўйилди. Наманган давлат университетининг талабалар шаҳарчасида 9 май — Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб ўтказилган тадбирда университетда узоқ йиллар меҳнат қилган устозларга талабалар ўзлари тайёрлаган тивит рўмолларини тортиқ этишди. Наманган муҳандислик технология институтида ҳам ўқув йили якуни ва Мустаҳкам оила йили муносабати билан ўтказилган тадбирда 18 нафар фахрий устозларга шундай совғалар улашилди.

Улуғбек РЎЗИМАТОВ
Наманган вилояти

Суратда: *(чапдан иккинчи) «Ойдин ҳаёт» СТТТМ Наманган вилоят бўлими раҳбари Юлдузхон Шомирова касб усталари билан.*

Маҳалла: БУГУН ВА ЭРТАГА

Ҳамкорликнинг самараси катта

Юртбошимиз таъкидлаганидек, бугунги кунда биз ҳеч кимдан кам бўлмайдиган демократик давлат, халқимиз учун озод ва фаровон ҳаёт қуриш мақсадлари билан яшар эканмиз, оила институтини янада мустаҳкамлаш, бу борада олиб бораётган ишларимизни янги босқичга кўтариш алоҳида аҳамият касб этади.

Яқинда Тўрткўл тумани прокуратураси, туман Хотин-қизлар қўмитаси ва "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлими ҳамкорлигида "Мустаҳкам оила йили" давлат дастури доирасида "Соғлом оила ва ҳуқуқ" мавзусида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда соғлом оилаларни шакллантиришга эътибор қаратиш, оилавий маданиятни юксалтириш, нотинч оилалардаги аҳволни атрофлича ўрганиш ва улар билан ишлашни яхшилаш ҳақида сўз борди.

Гапнинг сирасини айтганда, туман прокуратураси томонидан бу мавзу бежиз кун тартибига қўйилмаган эди. Ахир маънавияти юксак, давлатимизнинг бугунги сиёсатидан, қонунчиликдан яхши хабардор, аҳил оила соҳиблари биринчи навбатда фарзандларини комил инсонлар қилиб тарбиялашга қодир. Бундай масканда камол топган фарзандлар ҳеч қандай жиноятчиликка қўл уришмайди. Очиғини айтиш керак, бугунги кунда Тўрткўл туманида 15 та нотинч оила мавжуд. Бундан бир неча йил илгари эса туманда бутунлай бошқача манзарани кўриш мумкин эди. Туман прокуратураси ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг кенг жамоатчилик ҳамда фуқаролик институтлари билан ҳамкорликда ишлаши нотинч оилаларни соғломлаштириш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар туфайли кейинги пайтда ижобий томонга силжиш кўзга ташланаяпти.

Шу боис, йиғилишда сўзга чиққан нотиқлар оилани мустаҳкамлаш, унинг ҳуқуқий манфаатларини қонун билан ҳимоя қилишда давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлиги масаласига алоҳида тўхталишди. Маҳалла кайвонилари, хотин-қизлар фаоллари жойларда оилалар билан ишлашдаги тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

Шунингдек, тадбирда бизнинг миллий табиатимиз, урф-одатларимизга мутлақо зид бўлган ҳар қандай зарарли таъсирлар, бузғунчи ғояларга қарши туришда ҳам маҳалланинг, жамоатчиликнинг алоҳида ўрни борлигига урғу берилди. Тадбир якунида эса ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамда бошқа фуқаролик институтларининг ўзаро ҳамкорлигини янада яхшилаш борасидаги вазифалар белгилаб олинди.

Азиз ОЧИЛОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси, Тўрткўл тумани прокуратураси иш ўрганувчиси

“ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ” ТАНЛОВИГА

Мамлакатимизда амалга оширилаётган буюк янгиланишлар жараёни чет элларда ҳам кенг эътироф этилмоқда. Турли хорижий оммавий ахборот воситаларида юртимиз ҳақида берилаётган материаллар шундан далолат бермоқда. Жумладан, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасига Латвия Республикасидан мактуб келди. Мактуб “Энг улуғ, энг азиз” танловига йўлланган бўлиб, уни Ўзбекистонда туғилиб-ўсган журналист **Владимир ГАЛОЧКИН** ёзган. Журналист ўз хатида яқинда мамлакатимизда бўлгани ва ўз таассуротлари ҳақида Латвиянинг пойтахти Рига шаҳрида чоп этилувчи “Час” газетасида мақола эълон қилганини маълум қилган. Хатга газетанинг мақола чоп этилган сони ҳам илова этилган.

“Ўзбекистан — любовь моя” (“Ўзбекистон менинг муҳаббатим”) сарлавҳаси остида ранг-баранг фотолар билан безалган бир саҳифалик мақолада латвиялик касбдошимизнинг Ўзбекистонга сафарида кўрган-кечирганлари ўз аксини топган. Қуйида шу мақолани бироз қисқартирилган ҳолда сизга тақдим этамиз.

Сирень, соловьи,

Ежедневная русская газета Латвии

www.chas.lv

час

ВСЕМИРНАЯ АССОЦИАЦИЯ РУССКОЙ ПРЕССЫ

ЧЕТВЕРГ

24 мая 2012 № 98 (4244)

Цена 39 сантимов

В ботаническом саду ЛУ вовсю цветут сирень и рододендроны. Всех желающих приглашают насладиться буйством красок и ароматов и пением соловьев! А в субботу натышские поэты будут читать здесь свои цветы, но это уже на любителя.

В ботаническом саду ЛУ насчитывается более 110 сортов рододендронов. Коллекция начала формироваться в 1957 году. Отцом латвийского рододендрона можно считать профессора ботаники Рихарда Кондратовича, создавшего ряд сортов, приспособленных для Латвии.

Сиреневая коллекция насчитывает 55 сортов, главным образом из Франции, Германии, России и с Украины.

ЎЗБЕКИСТОН — МЕНИНГ МУҲАББАТИМ

Ўзбекистон Республикасига саёҳат қилишга мен жиддий тайёрландим: интернетда сайтларни ўқидим, бу ерда ишлаётган ўзбек дўстларимдан сўраб-суриштирдим, қалбим тубидаги олис хотираларга мурожаат қилдим. Ахир ўзимнинг киндик қоним тўкилган шу юртда ўсиб-улғайиб оқ-қорани таниганман, бир муддат ишлашга улгурганман. Тақдир йўлларимни айро солгандан кейин ҳам Ўзбекистонда яшаган ота-онамникида бир неча марта меҳмон бўлганман.

Бироқ шунга қарамай, мен туғилиб-ўсган юртимни таниёлмадим, кўрганларимдан лол қолдим: Агар XXI асрнинг узлуксиз ривожланиб бораётган ушбу давлатида яшаётган мағрур, меҳнаткаш ва меҳмондўст, истиқболга ишонч билан қарайдиган халқни ҳисобга олмаганда мен билган собиқ иттифоқдош республикадан деярли асар ҳам қолмаганди.

Москвадан Тошкентга ва Ўзбекистоннинг барча вилоятлари марказларига ҳар куни бир неча Боинг русумли самолётлар ва аэробуслар парвоз қилади. Бу юртга саёҳат учун энг қулай вақт — эрта куз. Бу пайтда жазирама иссиқ чекиниб, ҳаво бироз салқинлашади. Бозорларда болга тўлган турфа хил мевалардан кўз қамашади. Бироқ, энг асосийси, етти иқлимга таърифи кетган ўзбек қовунлари! Ўрта асрлардаёқ араб сайёҳлари Сирдарё ва Амударё оралиғида етиштирилган қовунларни дунёда тенгсиз, деб эътироф этишган. Карвонлар қўрғошиндан махсус ишланган идишларга жойлаштирилган қовунларни Бағдод, Константинополь ва Қоҳирага элтганлар.

Кузда қовун асосан донабай сотилади, нархи ўртача 3-5 минг сўмдан ошмайди. Худди шунингдек, тарвуз ва қовоқ ҳам доналаб сотилади. Албатта, ҳеч бир фото бир неча тоннани ташкил этадиган уюм-уюм қовун-тарвузларнинг жаннатий исини етказиб бераолмайди...

Ўзбекистон — кўп миллатли давлат. Бу ерда ўзбеклар билан бирга тожиклар, татарлар, руслар, корейс ва бошқа миллат вакиллари бир оила фарзандларидек дўст-иноқ истиқомат қилади. Тожикистон ва Қирғизистондан фарқли ўлароқ бу ўлкада миллатлараро келишмовчилик ва зиддиятлар бўлмаган. Буни мен Ўзбекистонда туғилиб-ўсган, олий маълумот олган ва мамлакатни тарк этишни хаёлига ҳам келтирмайдиган синглим ва жиянларимнинг сўзларидан билиб олдим.

Мен, латвиялик меҳмон, Ўзбекистонда ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол вояга етиши йўлида амалга оширилаётган ислоҳотларга алоҳида эътибор қаратдим. Аниқроқ айтганда, бундан қирқ йилдан кўпроқ вақт аввал ўзим туғилган мактабнинг бугунги куни билан танишиб, олам-олам таассурот олдим. Мактабда таҳсил олаётган кўзлари чақноқ болалар билан суҳбатлашиб, уларга яратилган кенг имкониятларга, айниқса чет тилларни ўргатишга бўлган эътиборга ҳавасим келди.

10 ТУРИЗМ

Узбекистан — любовь моя!

Самарканд. Регистан.

Ташкент. Базар.

Самарканд. Регистан.

Ташкент. Базар.

«Новые узбеки».

Яна бир далил ҳам мени ҳайратда қолдирди: Айтишларича, мамлакатда барча болалар мактабларга қамраб олинган экан. Ўқувчиларни зеб-зийнат ва бошқа хашаматлар ажратмайди, балки улар билими ва улқи билан фарқланади. Афсуски, Латвияда бундай мезон унутилиб кетган. Кам таъминланган ва кўп болали оилаларга ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳаллалар ҳар чоракда ёрдам пули бериб туриши ҳам мени қувонтирди.

Қадимий Самарқанд ва Бухоро шаҳарлари дунёнинг барча минтақаларида маълум-машҳур. Нафақат Ўзбекистон, балки бутун жаҳон цивилизациясининг бебаҳо дурдонаси бўлган бу шаҳарлардаги бетакрор меъморий обидаларни тасвирлашга менинг сўз бойлигим етмайди. Мустақиллик йилларида бу обидаларнинг катта қисми қайта таъмирланиб, иккинчи ҳаётини бошлади.

Қачонлардир, Риганинг тор кўчаларида “юз йиллик акс-садолари”ни эшитиш мумкин бўларди. Бугун улар ортда қолди. Самарқандда эса асрлар эмас, балки минг йилликлар нафаси уфуради. Биз олис тарих қаърида дунёдаги энг йирик шаҳарлардан бўлган Афросиёб харобалари бўйлаб айландик. Бу заминда қадимий Эрон хукмдори Кир, юнон Александр Македонский, мўғул Чингизхон замондошлари фойдаланган ва унутиб қолдирган идишлар бўлаклари тўлиб-тошган. Унинг ҳар қаричидан буюк соҳибқирон Амир Темурнинг енгилмас аскарлари овози акс-садо бергандек туюлади.

Афросиёб ёдгорлигининг ўнлаб метр чуқурлигида қалъа ва саройлар, турар жой даҳалари археологларни кутмоқда. Ҳар мавсумда бу ерда ўзбекистонлик археологлар билан бирга Франциядан ташриф буюрган олим ва мутахассислар ҳам иш олиб боради. Айтишларича, бу харобалар сирларини ўрганиш ва тадқиқ этиш учун археологлар 500 (!)йилдан ортиқ иш олиб боришлари лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикаси табиий бойликларга бой давлат. Мамлакат олтин заҳираси бўйича дунёда тўртинчи, уран бўйича саккизинчи ўринда туради, мис, кумуш, бошқа қимматли металлар, нефть ва газ заҳиралари борасида ҳам жаҳонда етакчи ўринларни эгаллайди. Шу билан бирга Ўзбекистонда қарийб 30 миллион аҳоли истиқомат қилади ва давлат ўз фуқаролари фаровонлиги йўлида барча имкониятларни ишга солмоқда. Ҳасад эмас, ҳавас қилдим: мустақиллик йилларида мамлакатда одамларнинг ўртача умри 67 ёшдан 75 ёшга кўтарилибди! (Латвияда эса бу кўрсаткич 71,8 ни ташкил қилади) Давлатнинг аҳоли ижтимоий ҳимояси йўлида сарфлаётган маблағлари 5 баравар ўсган, ёшларнинг таълим олиши учун харажатлар мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 12 фоизига тенг.

Ўзбекистонда замонавий йўллар қурилишига катта эътибор қаратилмоқда. Биз Самарқанддан Тошкентга таксида кетишга қарор қилдик ва Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган Нексия автомобилида йўлга чиқдик. 300 километр масофа учун икки киши 30 доллар тўладик. Йўлда баҳаво ресторанда ҳайдовчини ҳам таклиф этган ҳолда роҳатланиб тушлик қилдик. Бунинг учун бор-йўғи беш доллар сарфладик, холос.

Ёшлигимизда Тошкент ҳақида кўп қўшиқлар бўларди. Улардан бирида “Порла, Тошкент, Шарқнинг юлдузи, дўстлик ва самимият пойтахти”(Сияй Ташкент — звезда Востока, столица дружбы и тепла) деб куйланарди. Менинг назаримда бу сўзлар кўпроқ бугунги Тошкент учун айтилгандек. Тошкент ҳозирги кунда дунёнинг энг замонавий, гўзал ва гавжум шаҳарларидан бирига айланган. Мен Тошкент ҳақида, бу шаҳарнинг ёшлигимдаги манзаралари, ҳозирги ўзгаришлари тўғрисида соатлаб гапириб чарчамайман. Бироқ бунга ҳожат бўлмаса керак, шунинг учун кўрганларим ҳақидагина тўхталаман.

Тошкент метроси... Чин маънода ўта гўзал иншоот. Унинг ҳар бир бекатидаги миниатюралар Бухоро ёки Хивани, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур шеъриятини ёдга солади. Тошкент метросида Москва ёки Лондон каби навбат кутишлар ва тиқилинчлар йўқ, бу ерда ўз манзилига кетаркан, ҳордиқ ҳам чиқаради киши. Ва албатта, йўл ҳақи ҳам арзон — 25 цент холос.

Турар жой даҳалари... Биз учун экзотик бўлган мева дарахтлари — ёнғоқ, шафтоли, беҳи, олма, олчалар билан бурканган бу даҳалар шу қадар файзлики, кетгинг келмайди. Серҳосил узумларни айтмайсизми?

Тошкентдаги Хотира майдони. Ўзбек халқи ўз қаҳрамонларини ҳамиша ёдда тутади, хотирасини эъзозлайди. Буюк Соҳибқирон Темур ва афсонавий Фарҳод, нафосатли Ширин... Бироқ Ўзбекистонда Иккинчи жаҳон уруши жанггоҳларидан қайтмаганлар хотирасини ҳаммадан кўпроқ ҳурматлайдилар. Улар миллиондан ортиқ бўлиб, номлари пойтахт марказида жойлашган ва энг гавжум бош майдон ёнбошидаги “Хотира китоби”га олтин ҳарфлар билан ёзилган.

Мақолам пировардида мен жуда нозик мавзу — жамият ва давлат, умуман олий ҳокимият муносабатларига тўхталмоқчиман. Бу ўринда Латвия билан мутлақо солиштириб бўлмайди. Биласизми, нима учун? Менга бегона одамлар давлат бошқарувига муносабати ҳақида сўз очганда индамай елка қисиб қўя қолдим. Бироқ, Ўзбекистонда 50 йилдан ортиқ вақтдан бери яшаётган туғишган синглим Президент Ислом Каримовнинг сиёсатини бутунлай қўллаб-қувватлашини айтиб, буни республикада кўп йиллардан бери тинчлик ҳукм сураётгани, миллатлараро келишмовчиликлар йўқлиги, (бу ҳатто Россиянинг ҳам қўлидан келмаяпти) уюшган жиноятчилик ва гиёҳвандлик таҳдид солмаётгани, ўзи ва фарзандлари истиқболига тўла ишониши билан изоҳлаганда ўйга толдим. Ахир, чиндан ҳам тинчлик, хавфсизлик, миллат саломатлигининг қадр-қиммати буюк.

Ўзбекистонда юздан ортиқ миллат-элат вакиллари истиқомат қилади. Ўзбек халқи икки юз йилдан ортиқ вақтдан бери жанг-жадалсиз, ўз қўшнилари билан дўст-иноқ яшаб келяпти. Бу халқ меҳнатсевар, иқтидорли, донишманд ва меҳмондўст. Ўзбекистонга ташриф буюрсангиз, бунга ўзингиз ҳам шоҳид бўласиз.

Мавжуда ЙЎЛДОШЕВА
таржима қилди.

— Таҳрир нима?
— Таҳрир — муаллифнинг саҳифада ифода этолмаган, кўнглида қолиб кетган фикрларини зийраклик билан илғаб, жой-жойига қўйишдир.

НАШР

ҲУҚУҚИЙ ЖАМИЯТ САРИ

Мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда ҳуқуқий илмий-маърифий нашрларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Жумладан, “Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари” журнали бир неча йиллардан буён ўз ўқувчиларининг ҳам ҳуқуқий, ҳам маърифий билимларини оширишга хизмат қилаётир.

Яқинда журналнинг Мустаҳкам оила йилига бағишланган янги сони нашрдан чиқди. Қайд этиш ўринлики, унда бир-биридан қизиқарли, ўқишли материаллар ўрин олган. Масалан, Б.Мустафоевнинг “Мустаҳкам оила — жамият барқарорлиги асоси”, Х.Кабуловнинг “Оила мустаҳкамлиги — мустақил давлат, очиқ демократик жамият ва суд ҳимоясида”, шунингдек, А.Саидовнинг Конституциямизнинг 20 йиллигига бағишланган “Мустақил, суверен ва демократик Ўзбекистоннинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори” каби ижод маҳсуллари мавзулар ранг-баранглиги, кўлами кенглиги билан журналхонларнинг кўнглидан жой олади.

Бундан ташқари, журнал саҳифаларидан ўрин олган “Халқаро ҳуқуқ”, “Инсон ва ҳуқуқ” рукнларидаги бир қатор мақолалар ҳам эътибордан четда қолмайди.

Яна бир эътиборга молик жиҳат, журналда адабиёт ихлосмандлари учун С.Азимовнинг “Гёте бўстонидан янги гулдаста” номли мақола ўқувчиларни адабиёт оламига олиб киради ва қизиқ фикрлар билан таништиради.

Гулноза МУСАЕВА

ТАДБИРЛАР

Ёшлар маънавияти ва глобал тармоқлар

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтида «Глобаллашув жараёнлари ва ёшларнинг ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш маданияти» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ходимлари, ахборот технологиялари соҳаси экспертлари, ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Давра суҳбати давомида ижтимоий тармоқларнинг ёшлар аудиториясига таъсири, ёшлар фойдаланадиган тармоқ ресурслари ва хизматларини ўрганиш каби масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

— Ушбу тадбир кўп миллионли аудиторияга эга ижтимоий сайтлар ривожланишининг асосий тенденцияларини аниқлаш, ёшларда тармоқ мулоқоти маданиятини шакллантириш масалаларини муҳокама қилиш мақсадида ташкил этилди, — деди мазкур институтнинг «Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларини мониторинг қилиш» лойиҳаси раҳбари Салим Дониёров. — Бинобарин, бугунги кунда Ўзбекистон ахборот маконидаги долзарб масалалардан бири — интернет тармоғидаги миллий сегментни ривожлантириш, медиа-бозорни мамлакатимизда ишлаб чиқилган тармоқ хизматлари ва маҳсулотлари билан тўлдириш, аудиторияни миллий домен ресурсларига жалб қилиш, ноёб маданий ўзига хосликни сақлаб қолган ҳолда тармоқ миллий сегментини яратиш, ёт ғоя ва маданиятлар таъсиридан огоҳлантириш ҳисобланади.

Ҳозирда uz доменида жойлашган muloqot.uz, doira.uz, sinfdosh.uz, olam.uz каби ижтимоий тармоқларни янада ривожлантириш, бу ишга, интернет технологиялари, психология, кибернетика билан шуғулланувчи мутахассисларни ҳамда ёшларнинг ўзини жалб қилиш, жоиз бўлса хориж тажрибасидан унумли фойдаланишни даврнинг ўзи тақозо қилмоқда.

— Ҳар бир Интернет сайти учун 8 сония муҳим аҳамиятга эга, — деди профессор Файзулла Мўминов. — Чунки айни шу пайт ичида веб-сайт унга ташриф буюрган кишини қизиқтира олса, уни омадли интернет сайтлари тоифасига киритиш мумкин. Ижтимоий тармоқлар ҳам худди шундай. Лекин, афсуски, мамлакатимиздаги ижтимоий тармоқларни хориждаги тармоқлар билан солиштирсак, ҳали олдимизда қилиниши зарур бўлган масалалар кўп эканига амин бўламиз. Қолаверса, Интернет технологиялари хусусидаги фанни аллақачон мактаб ўқув режасига киритиш зарурати туғилган.

Тадбир доирасида «Ижтимоий тармоқлар ва тармоқ мулоқот ресурслари миллий сегментининг ривожланиш тенденциялари» мавзуси бўйича олий ўқув юрти талабалари ўртасида ўтказилган социологик тадқиқот натижалари тақдимоти бўлиб ўтди.

Музаффар ҒОФУРОВ

Энг муҳим лойиҳалар танлаб олинди

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида қуйи палата матбуот хизмати ва парламент ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди ҳамкорлигида “Ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга ошириш-нинг муҳим масалалари” мавзусида давра суҳбати ва 2012 йил давомида ўтказилган учта грант танлов якунларига бағишланган брифинг ўтказилди.

— Фуқаролик жамияти институтлари томонидан тақдим этилган турли ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида сўнги 4 йил мобайнида Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди томонидан 22 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди, — деди Жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси раиси Акмал Саидов. — Жорий йилда эса давлат бюджетидан ННТлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш учун ажратилган маблағ 20 фоизга ортиб, 6 миллиард сўмни ташкил этди. Хусусан, “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросида ННТлар иштирокига бағишланган 3 та танлов эълон қилиниб, 440 га яқин ННТлардан 484 та ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳалар келиб тушди. Улар ичидан парламент комиссияси томонидан энг яхши 107 та лойиҳа танлаб олинди.

Тадбир доирасида Парламент комиссияси томонидан энг яхши деб эътироф этилган 54 та лойиҳа эгаларига ғолиблик сертификатлари топширилди.

— Бизнинг лойиҳамиз ҳам қўллаб-қувватланганидан бошимиз осмонга етди, — дейди «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамоат фондининг Қашқадарё вилоят Деҳқонобод туман филиали раҳбари Жумагул Алиқулова. — Ажратилган 15 миллион сўм туманимизда аҳоли фаровонлигини янада оширишга, жойларда ёшларни касб-ҳунарга, хотин-қизлар ва ёш оилаларни оилавий бизнесга йўналтиришга, касаначилик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга хизмат қилади,

Иноможон АБДИЕВ,
“Hurriyat” мухбири

ДАРАКЛАР

ҚОРИНДА УНУТИБ ҚОЛДИРИЛГАН ИГНА

“Дафъатан британиялик ҳомиладор аёл қорнидан бундан бир неча йил олдин жарроҳлар томонидан унутиб қолдирилган игна бўртиб чиқди”, деб ёзади “The Daily Mail” нашри.



Воқеа қаҳрамони Келли Дониган ҳомиладорлик даврининг ўрталарида чап биқинида енгил санчиқ сеза бошлайди. Шифокорлар эса унга тинчланишни ва бундай ҳолатларга эътибор қилмасликни маслаҳат беришади. Аммо ҳомиланинг еттинчи ойида аёл қорнининг ички томонидан игнанинг уч қисми тешиб чиққанидан сўнг шифокорлар шошиб қолишади. Маълум бўлишича, ушбу игна Дониган 2009 йили кўричагини олдирган вақтида қорнида қолиб кетган экан.

Хайриятки, текширувлар игна ҳомилага ҳеч қандай зарар етказмаганини кўрсатди. Шифокорлар бола эсон-омон туғилгач, игнани олиб ташлашни режалаштирмоқда.

АЖАБТОВУР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ

Германияда асаби чатоқ кишилар қўнғироқ қилиб хуморидан чиққунча ўшқирадиган, жанжаллашадиган телефон тармоғи ишга туширилди. Бу ҳақда “Dapd” ахборот агентлиги хабар тарқатди.

Мазкур телефон тармоғини очиш фикри реклама агентлиги раҳбарлари Ральф Шульт ва Александр Бранденбургдан чиқди. Уларнинг фикрича, тармоқ ташвишлардан чарчаган, алам устида юрган кишиларга ўзини енгил ҳис этишига ёрдам беради.

Ҳозир тармоқда турли сабабларга кўра ғазабланган мижозларнинг сўкишлари ёки аччиқ гапларини тинглашга тайёр ходимлар фаолият кўрсатмоқда. Улар мижозларнинг ҳақоратларини 1 дақиқа тинглаб тургани учун 149 евро ҳақ олишади. Ходимларнинг таъкидлашларича, телефон тармоғи ишга тушганига бир неча ҳафта бўлганига қарамай, улар кунига 16-18 соатгача ҳақорат эшитишаётган экан.

ТАЖРИБА УЧУН ЎЛИМГА ТАЙЁР

Америкалик олим Кен Хейворс илм-фанда муваффақиятга эришиш учун энг хавфли тажрибани ўтказмоқчи. У ўзини ўлдириб, бироз вақт ўтгач, мия тўқималарини робот бошига ўтказиш орқали яна ҳаётга қайтишни режалаштирмоқда.

Гарвард университети олими миясининг боқий яшашини таъминлаш ниятида, мана, 10 йилдирки, лабораториясидан чиқмайди. Хейворс тажриба учун сичқонлар ёки кўнгилли кишилардан фойдаланишни истамаяпти, аксинча лойиҳада ўзи иштирок этмоқчи. 41 ёшли олимнинг таъкидлашича, унга вақти келиб қари ва касалманд бўлгандан кўра тажрибада ҳозир иштирок этгани афзал.

ДОВУЛ ҲАЛОКАТЛИ КЕЧДИ

Хитойда рўй берган кучли довул ва ёмғир оқибатида 95 киши ҳалок бўлгани, 45 киши бедарак йўқолгани ҳақида мамлакатнинг аҳоли билан ишлаш вазирлиги маълумот берди. Мамлакатнинг 17 та ҳудудида истиқомат қилувчи 6 миллиондан ортиқ аҳоли ноқулай об-ҳаво шароитидан жабр кўрди.

Ҳалок бўлганларнинг асосий қисми Хитой пойтахти Пекин ҳиссасига тўғри келди. Охирги маълумотларга қараганда, бу ерда 37 киши ҳаётдан кўз юмган. Пойтахт кўчаларида сув тўлиб-тошгани боис йўлларда ҳаракатланишнинг имкони йўқ. 14 мингга яқин аҳоли эвакуация қилинган, Хитой халқаро аэропортида беш юздан ортиқ рейслар тўхтатиб қўйилган.

“Синьхуа” ахборот агентлиги тарқатган хабарларга кўра, ёмғир ва довул натижасида айрим жойларда сув сатҳи 50 сантиметргача кўтарилган. 29 мингта уй-жой вайрон бўлиб, 55 мингта бинога шикаст етган.

ГИЖЖА ҚАНДЛИ ДИАБЕТНИ ДАВОЛАЙДИ

“The Times of India” газетасининг хабар беришича, бир гуруҳ мутахассислар мижозларни қисқа муддатда гижжа билан зарарлантириш орқали 1-типдаги қанд касаллигини даволашни таклиф этишмоқда.

Нью-Жерсидаги тиббиёт ва стоматология университети ходими Уильям Гаус ва унинг ҳамкасбларининг сичқонлар устида олиб борган тажрибалари шуни кўрсатдики, гижжалар ошқозоности бези тўқималарига нисбатан тажовузкор ҳисобланган Т-тўқималарини еб битказар экан. Бу эса ўз-ўзидан қандли диабетнинг олдини олишга хизмат қилади.

Айни дамда гижжалар ёрдамида крон ва склероз касалликларини даволаш бўйича тажрибалар ҳам ўтказилмоқда. Илмий ишнинг тахминий хулосаларига кўра, паразитар терапия яллиғланиш ва болаларнинг аллергик ривожланишдан ортда қолиш симптомлигини даволашда қўл келиши мумкин.

Шарҳ

Занжир реакцияси

инсониятни ҳар қандай масалада ўйлаб иш тутишга ундаши керак

Кейинги пайтда олимлар Ер юзи иқлими тобора исиб бораётганини бот-бот таъкидлашмоқда. Аслида Ер иқлими ҳамиша ўзгариб туради ва бу табиий жараён сифатида кўрилади. Аммо сўнгги аср мобайнида иқлим табиий омиллар асосида эмас, инсон фаолияти натижасида келиб чиққан оқибатлар туфайли ўзгара бошлагани хавотирлидир. Қолаверса, ҳозирги пайтда тез-тез содир бўлаётган қурғоқчилик, тошқинлар ва об-ҳавонинг бошқа кутилмаган инжиқликларига ҳам инсон фаолияти сабаб сифатида кўрилмоқда.

Демак, экология муаммоси аллақачон миллий ва минтақавий доирадан чиқиб, умумбашарий муаммога айланиб улгурди. Инсоннинг табиат қонуниятларини ҳисобга олмай юритган хўжалик фаолияти Ер юзида атмосфера ифлосланиши, озон қатлами бузилиши ва иқлим исишига олиб келди.

Фан-техника тараққиёти жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган ҳозирги шароитда инсон ва табиатнинг ўзаро муносабатларида мувозанатга эришиш масаласи борган сари долзарб аҳамият касб этмоқда. Қуйида келтирилаётган фактларнинг ўзи ҳам фикримизнинг яққол исботидир.

Бир неча йилдирки, ҳар ёз фасли Европа мамлакатларига янги балоларни “туҳфа” этмоқда. Ўтган йили Европа халқи ўрмон ёнғинларига қарши курашган бўлса, бу йил кўпроқ жала, дўл ва сув тошқинларидан азият чекаяпти. Гўё бу билан табиат европаликларнинг сабрини синовдан ўтказаётгандек. Швецияда сўнгги 200 йил мобайнидаги энг серёғин ёз кузатилмоқда. Мамлакатда ёмғир ёғмаган кунларнинг ўзи йўқ. Польшада ёққан дўл автомобиллар ойналари ва ҳатто уй томларини тешиб юборгани айтилаётир. Венгрияда эса атиги бир неча соат ичида ҳаво ҳарорати 20 даражага тушиб кетди.

Атлантика океанининг бу тарафида эса ҳаммаси акси. 120 йилдан бери АҚШда бу қадар жазирама иссиқ кузатилмаганди. Айниқса, Канзасда даҳшатли қурғоқчилик ҳукмрон. Дарёлар қуриб, балиқчилар ишсиз қолгани етмагандек, қишлоқ хўжалик экинлари қуриб қолиш арафасига келди. Канзасга қўшни Колорадо штатида эса ўрмон ёнғинларини аранг жиловлашга муваффақ бўлинган бир пайтда, олов тафти Калифорнияда авж олди. Юз минглаб гектар майдондаги ўрмонлар куйиб кул бўлди, уйлар аланга ичида қолди. Йирик шаҳарларга ҳозирча хавф сезилмаётган бўлса-да, ёнғиннинг осонлик билан янги-янги ҳудудларни қамраб олмаслигига кафолат йўқ.

Маълумотларга кўра, қурғоқчилик Американинг камида 20 та штатини қамраб олган. Бунда энг оғир вазият мамлакатнинг жанубий ва марказий ҳудудларида юзага келган. Бир неча ойдан бери ёмғир ёғмагани, ҳарорат 35 даражадан пастга тушмаётгани туфайли фермерлар ҳосили нобуд бўлган. Маҳаллий маъмурларнинг айтишича, вазият ижобий томонга ўзгармаса, ичимлик суви билан боғлиқ муаммо юзага келиши мумкин. Жазирамадан Европанинг айрим мамлакатлари ҳам азият чекмоқда. Испания ва Италияда ўрмонларга ўт кетган. Грециядa ҳарорат 40 даражага чиқиб кетди. Энг ачинарлиси, мисли кўрилмаган иқлим исиши туфайли Афинанинг диққатга сазовор ҳудуди — Акрополь сайёҳлар учун ёпиб қўйилди. Албатта, бу чораларнинг барчаси хавфсизлик нуқтаи назаридан кўрилган. Шундоқ ҳам бир куннинг ўзида юзлаб инсонларнинг иссиқ уришидан касалхоналарга ётқизилиши вазиятнинг нақадар мураккаблигидан далолат беради. Шифокорларнинг аҳолини кўчаларга чиқмаслик ва кўпроқ сув ичиш борасидаги тавсиялари ҳам бежиз эмас.

Испаниянинг Тенерифа ороли аҳолиси ҳам об-ҳаво мутахассисларининг маълумотларини диққат билан кузатиб боришаяпти. Бу ерда жазирама ва қурғоқчилик ортидан ўрмон ёнғинлари келиб чиқмоқда. Аланга аҳоли пунктларига ҳам етиб келганлиги туфайли одамлар хавфсиз жойларга кўчирилаяпти. Сардинияда ҳам шунга ўхшаш манзара ҳукмрон.

Мана, бир неча кундирки, фавқулодда хизматлар ўрмон ёнғинларини баратараф эта олишмаяпти.

Ҳар дақиқада ёнғин чиқиши мумкин бўлган мамлакатлар сафига Италия, Хорватия, Македония, Болгария, Сербияни ҳам киритиш мумкин. Афсуски, бу мамлакатларда ҳам ўрмонларга ўт кетган. Энг ёмони, шу пайтгача “Кўҳна қитъа”да юздан ортиқ киши иссиқ уришидан қурбон бўлди.

Афтидан бугун табиат ўзига ўтказган зуғуми, шафқатсизларча муносабати, йўл қўйган хатолари учун инсониятдан ўч олаётгандек.

Бугун нафақат атроф-муҳит тилсиз ёв қаршисида қолган, балки тубан манфаат, бир-бирини кўролмаслик, ўз дунёқарашини ўзгаларга тиқиштириш каби уринишлар ҳам дунёни жар ёқасига келтириб қўйди. Бугун Осиё ва Африканинг бир неча мамлакатида бирданига бошланган биродаркушлик урушлари иқтисодий вайронгарчиликкагина эмас, балки ўз уйларини ташлаб кетишга мажбур бўлган қочоқлар оқимининг кўпайишига, миллатлар генофондига путур етказишга, ёш авлодни таълим олиш имкониятидан маҳрум бўлишига ҳам олиб келаяпти.

“Қайноқ нуқталар”даги можаролар ва уларнинг оқибатлари бу мамлакатлар тараққиётини кам деганда ўнлаб йилларга орқага улоқтириб ташлади. Уруш маддоҳлари ўз ватандошларини ахборот уруши орқали бу қурбонлар зарур эканлигига, шунинг эвазига ёрқин келажакка эришиш мумкинлигига ишонтирмоқчи бўлаяптилар. Энг фожиалиси, ижтимоий ривожланиш ва тараққиёт жараёнлари секинлашиб, аҳолида эртанги кунга ишончсизлик, ўз ҳаётидан хавотир ҳисси ўйғонмоқда.

Демак, глобал миқёсдаги бу каби муаммолар инсониятни хулоса чиқаришга ундаши керак. Акс ҳолда, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, бир мамлакатда ёки минтақада авж олган можаролар бутун дунёда занжир реакциясини келтириб чиқаради. Қуролли қарама-қаршиликлар ҳақида ҳам, экологик муаммолар хусусида ҳам шундай фикрни айтиш мумкин. Вақтида муаммоларнинг давоси топилмаса, эртага кеч бўлиши муқаррар.

Абдували АБДУЛБОҚИЕВ

ҚУЁШ СУРАТЛАРИ ОЛИНДИ

Чет эл ОАВ тарқатган маълумотларга қараганда, 11 июль куни НАСА томонидан ишга туширилган космик телескоплар қуёшнинг энг мукаммал кўринишларини суратга олишга муваффақ бўлган.



Қуёшни суратга олишда ракета бортига ортилган Hi-C ҳамда Atmospheric Imaging Assembly телескопларидан фойдаланилган. Бу иш асосий ишчи вазни 210 килограмм, узунлиги 3 метр бўлган Hi-C телескопи ёрдамида бажарилган. Мазкур телескоп 620 сонияда қуёшни 165 марта суратга олишнинг уддасидан чиққан.

Олинган суратлар эндиликда олимларга қуёш машъаласининг хатти-ҳаракати, унинг Ерга бўлган таъсирини ўрганишда асқотади, деб таъкидланмоқда.

ҚОН ГУРУҲИГА ҚАРАБ ОВҚАТЛАНИШ

Америкалик шифокор Питер Д`Адамонинг фикрича, инсонлар саломатлигини сақлашлари учун қон гуруҳларига қараб маълум овқатланиш қоидаларига риоя қилишлари керак.

Олим қоннинг тўрт гуруҳи вакилларига алоҳида овқатланиш қоидаларини тузиб чиқди. Унга кўра, биринчи қон гуруҳи вакиллари учун товуқ, қўй ва балиқ гўшти, зайтун ёғи, грек ёнғоғи, қовоқ пистаси, лавлаги ҳамда анжир ўта фойдали. Иккинчи қон гуруҳи вакилларига мева, сабзавот ва сув маҳсулотлари тавсия қилингани ҳолда, гўшт маҳсулотларидан ўзни тийиш маслаҳат берилади.

Д`Адамо айтишича, учинчи қон гуруҳи вакиллари учун овқатланишда ҳеч қандай чеклов йўқ. Аммо улар сут маҳсулотларига кўпроқ мурожаат этишларига тўғри келади. Тўртинчи гуруҳ вакилларига эса қўй ва кийик гўштлари, мева ва сабзавотлар, маккажўхори ёғи, карам, буғдой нони тавсия қилинади.

ДУНЁДАГИ ЭНГ КАТТА КОКТЕЙЛЬ

Куба пойтахти — Гаванадаги "Флоридита" барида машҳур ёзувчи Эрнест Хемингуэй туғилган куни шарафига коктейль ичимлиги учун дунёдаги энг катта идиш тайёрланди. Бунинг учун 275 литрли махсус қадаҳ ясатилди. 12 киши коктейлни тайёрлаш учун ярим соат вақт сарфлаб, 88 та оқ ром шишасини бўшатишга тўғри келди.



ИТАР-ТАСС агентлиги берган маълумотларга қараганда, ёзувчининг 113 йиллигига бағишланган коктейль Гиннеснинг рекордлар китобига киритилди. Маълум қилинишича, Хемингуэй Гавана шаҳрида бўлган вақтлари "Флоридита" барига тез-тез кириб турган экан.

ОЛТИН ВА КУМУШ ЎҒИРЛАНДИ

Бир гуруҳ қуролланган жиноятчилар Эквадорда жойлашган Канада компанияси омборхоналарининг биридан 40 килограмм олтин ва 100 килограмм кумушни ўғирлаб кетишган. Полициячиларнинг айтишича, қимматбаҳо бойликларнинг қиймати 1,5 миллион АҚШ долларига тенг.

ИТАР-ТАСС ахборот агентлиги тарқатган хабарга кўра, омборхона хизматчиларидан ҳеч бирига зарар етказилмаган. Компания вакилларининг таъкидлашича, ўғрилик объектига айланган олтин ва кумушлар суғурта қилинган, аммо мазкур ҳолат компаниянинг Эквадордаги кейинги фаолиятига салбий тасир кўрсатиши мумкин.

Интернет хабарлари асосида Отабек ОТАЁРОВ тайёрлади.

WESTERN UNION — Европа лигасининг янги ҳомийси

Халқаро пул ўтказмалари ва тўловлар хизмати соҳаси етакчиси — “Western Union” компанияси УЕФА Европа лигасининг янги глобал ҳамкори ва ҳомийсига айланди. Томонлар ўртасидаги ҳамкорлик алоқаси жорий йилнинг 10 июлидан эътиборан кучга кирди. Бу ҳамкорлик футбол мавсуми тугагунига қадар давом этади.

Дунё футбол клублари ўртасидаги энг йирик мусобақага ҳомийлик қилиши компанияга ўз брендини бутун дунё бўйлаб тақдим этиш имконини беради. Зеро, УЕФА Европа лигасида 53 мамлакатдан 193 та профессионал жамоа иштирок этади, ўйинлар дунёнинг 200 та мамлакатида намойиш этилади. Мусобақа аудиторияси эса ҳар мавсумда 1,3 миллиард нафардан ортиқ томошабинни ташкил этади. "Western Union" ўзининг 200 та мамлакатдаги 500 мингдан зиёд хизмат кўрсатиш пунктлари ёрдамида ўз мижозлари ва ҳамкорлари эътиборини УЕФА Европа лигаси ҳаётига жалб қила олади.

Хуллас, янги ҳамкорлик компанияга турли онлайн ва ижтимоий тизимларда янги видео ва бошқа қизиқарли материаллардан фойдаланиш, шунингдек, мусобақа ишқибозлари орасидан янги мижозлар жалб қилиш имкониятини яратади.

Гўзал МАЛИКОВА

ЛУҚМА

"Сўз" ва "ҳаракат"

Кечки пайт жияним қўнғироқ қилиб қолди. Ҳолаҳвол сўрашгач, илтимос оҳангида:

— Тоға, Тошкентдаги институтларнинг кимё, биология йўналишилари бўйича кам ҳужжат топширилган факультетларни билиб берсангиз. Шу фанлардан тайёргарлик кўрганман. Ўзимизнинг шаҳардаги ўқув юртларини суриштирдим. Тошкентдаги вазиятни ҳам билай дегандим-да...

— Шу пайтгача қаерга ҳужжат топширишни ўйлаб кўрмаганмидинг?!

— Менга қолса врачликка топширардим. Лекин икки йилдан бери кира олмаяпман-да. Шунинг учун абитуриентлар камроғига топширмоқчиман. Уйдагилар ҳам шундай дейишяпти.

Бу суҳбатдан сўнг ўйланиб қолдим. "Ўзи қизиқмаган соҳага ўқишга кириб нима қиларкан. Омади келиб, ўтди ҳам, дейлик. Аммо у қай даражадаги мутахассис бўлиб етишади?"

Афсуски, ёшлар орасида жиянимга ўхшайдиганлар кўп. У ҳали мактабдалигида тоғамиз "жиянингни яхшироқ ўқишга кўясан-да!" деганди. Ўшанда ўқишга киришга ҳозирданоқ эътибор қаратиши кераклигини айтган эдим. Афуски, вақти келмагунча ҳаракат қилишмаган кўринади. Ўқишга топширaман деган йили оёғи бир этикка тиқилганидан сўнг репетиторга югуриб қолишди. Қани энди фойдаси бўлса. Мактабдаги билим яхши ўзлаштирилмагандан кейин менман деган репетитор ҳам 4-5 ойда нима қилиб бера оларди?!. Ёшликда олинган билим тошга ўйилган нақш деб бекорга айтишмайди-да! Агар ўқувчилик кезларида ота-она фарзандига тўғри йўлни кўрсатганида бу аҳволга тушишмасди.

Мактабда ўқиб юрган кезларимизда яқин ўртоғим билан ўқишга тайёргарлик кўрардик. Уникига борганимда отаси доим фарзандларига:

— Болажонларим, фақат яхши ўқинглар. Қорниларингни тўқлаш, устиларингни бутлаш менинг зиммамда. Сизларни зиммангизда эса фақат аъло баҳоларга ўқиб, малакали мутахассис бўлиш, — дерди.

Буни қарангки, ўртоғим ва укалари ўз ҳаракатлари ва билимлари билан давлат гранти асосида ўқишга киришиб, яхши касбларни эгаллашди. Бунинг асосида эса ота-онанинг болаларини тўғри ва ўз вақтида ихтисосликка йўналтиргани сабаб бўлди. Улар отасининг гапларидан тўғри хулоса чиқариб, ўз вазифаларини уддалашди. Ўшанда "сўз" ва "ҳаракат" қанчалик муҳим эканини англаган эдим.

Абитуриентларнинг юқоридаги ҳолатга тушмасликларининг энг яхши йўли — ўқиш, ҳаракат ва ўз кучига ишонч. Шу билан бирга ота-оналардан вақтида кўрсатиладиган бироз эътибор ҳам холос.

Бобур МУҲАММАДИЕВ,
"Hurriyat"мухбири



2012 йил – Мустаҳкам оила йили

Маънавий муҳит ва бола тарбияси

Президентимиз Ислом Каримов ўзининг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида таъкидлаганидек, ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз оиланинг ўрни беқиёсдир.

Халқимиз қадимдан оилани муқаддас билган ва унинг шаъни, қадр-қимматини эъзозлашга катта масъулият билан қараган. Зеро, инсон оила бағрида ўсиб, улғаяди, вояга етади. Халқимиз қуш уясида кўрганини қилади, деб бежиз айтмаган. Чунки бола қалбида барча яхши фазилатлар, ғоя ва эзгуликлар оила муҳитида шаклланади.

Таъкидлаш жоизки, боланинг комил шахс бўлиб вояга етишида оиладаги соғлом маънавий муҳитнинг ўрни катта. Қайси хонадонда маънавий иқлим соф — ўзаро ҳурмат, ахлоқ-одоб, инсоний муносабатлар бўлса, бола тарбиясига ижобий таъсир қилади. Атоқли адиб Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» асаридаги қаҳрамонларнинг ўзаро муомала ва мулоқотлари, уларнинг фарзандларини ҳам «сиз»лаб гапириши мисолида ота-боболаримизнинг оила маънавиятига қанчалик катта эътибор берганига гувоҳ бўламиз. Шу нуқтаи назардан қараганда, бугунги кунда ҳам юртимизда ана шундай гўзал ахлоқ мезонлари билан яшаб келаётган, ўғил-қизларини шу руҳда тарбиялаётган ибратли оилалар кўп.

Илмий кузатишларга қараганда инсон ўз умри давомида оладиган барча маълумотларнинг 40 фоизини 5 ёшгача бўлган даврида олар экан. Боланинг онги асосан 5-7 ёшда шаклланади, айни шу даврда унинг қалбида оиладаги соғлом маънавий муҳит таъсирида тарбия куртаклари намоён бўла бошлайди. Одамзот учун бир умр зарур бўладиган табиий кўникма ва хусусиятлар, ҳар қайси боланинг ўзига хос қобилияти, атрофидаги одамлар билан муомаласи, тенгдошлари орасида ўзини қандай тутиши, дунёқараши — буларнинг барчаси, аввало оилада оладиган гўзал хулқ-атворига узвий боғлиқ.

Ҳаётда, иш тажрибамда шу нарсага кўп бор дуч келдим, қайсики ота-оналарнинг ўзлари миллий урф-одатларимизни турмуш фалсафасига сингдириб покдомон умр кечирсалар, шу гўшада ўсган ўғил-қизлар фозил ва оқила бўлиб улғаяди.

Ҳар қандай жамиятда оилада миллат тарбияланади. Дунёда турли миллат, халқлар яшайди, ҳар бирининг ўзига хос оила тутиш урф-одатлари мавжуд. Айтайлик, ғарбдаги оила билан шарқдагисининг орасида ер билан осмонча фарқ бор. Бирида фарзанд 15-20 ёшга кирдими, у мустақил, истаганча яшайди. Ота ёки она «ўз шахсий ҳаётимга фақат ўзим хўжайинман» қабилида фикрлайди, ўғай ота ёки онани бола «фалончи» деб отини атаб чақиради, бу одатий ҳол.

Оиладаги бундай маънавий муҳит эса бошқа халқлар, масалан, бизнинг менталитетимизга мутлақо ёт. Аммо кўз юма олмаймиз, ана шундай ёт одатлар киши билмас тарзда айрим оилаларимизга суқулиб кираяпти. Ҳар хил олди-қочди фильмлар, интернет орқали тарқалаётган «даҳшат», «фаҳш»ларни болалар кўряпти...

Кези келганда шуни айтишни истардим, соғлом турмуш тарзи эга оилада ота-она боласининг нима еб, нима кийишидан ташқари маънавий оламига қаердан, қандай ахборот жойлашаётганини ҳам доимо назорат қилади. Айтмоқчиманки, соғлом маънавий муҳитни ота-оналар, оиланинг катталари яратадилар, ибрат кўрсатадилар. Қолаверса, шундай оилалар мустаҳкам бўлади.

Қаҳрамон ЧОРИЕВ,
Қамаши туман ДНИ нотариуси

БИЛМАГАННИ БИЛГАН ЯХШИ

Корхона раҳбарлигини топширмоқчиман...

– Мен хусусий корхона раҳбариман. Ҳозир пенсиядаман, ишламоқчи эмасман. Шу боис, корхона раҳбарлигини бошқа бировга топширмоқчиман. Айтинг-чи, бу қандай амалга оширилади?

Г.Сайфиева
Бухоро вилояти

Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий корхона тўғрисида»ги қонунига кўра, хусусий корхона ягона жисмоний шахс томонидан тузилган ва бошқариладиган тижорат ташкилоти ҳисобланади.

Хусусий корхона мулкдорнинг шахсий мулки асосида ташкил этилиши сабабли мулкдор ўз хусусий корхонасини ўзгага ўтказиш орқали уни бошқа шахс бошқарувига топшириши мумкин. Бу эса тарафлар, яъни корхонани ўзгага берувчи ва олувчининг хоҳиш-иродасига кўра нотариал гувоҳлантириладиган олди-сотди, ҳадя ёки айирбошлаш шартномалари ва бошқа битимлар орқали амалга оширилади. Хусусий корхона эгаси ўз корхонасини мулкий мажмуа сифатида ўзгага ўтказиши учун нотариал идорага мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат, корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш гувоҳномаси, корхона устави, корхонани сотиш, ҳадя этиш ёки бошқа тўғрисидаги қарор (буйруқ), инвентаризация далолатномаси, баҳоловчи ташкилотнинг баҳолаш ҳисоботи ва хулосаси каби бир нечта ҳужжатларни тақдим этиши лозим.

Саволга Ғиждувон туманидаги 2-сон ДНИ нотариуси Нодира АБДУЛЛАЕВА жавоб берди.

Оғзаки битим қонунийми?

— Битимлар ёзма шаклда эмас, ўзаро ишонч асосида оғзаки тарзда тузилиши мумкинми? Бундай битим қонуний ҳисобланадими?

С.Аъзамов
Тошкент шаҳри

Фуқаролик кодексининг тегишли бандларига асосан битимлар оғзаки (оддий битим) шаклда ҳам тузилади. Хусусан, қонун ҳужжатларида ёки тарафларнинг келишувида ёзма шакл белгилаб қўйилмаган, шунингдек, у тузилаётган вақтнинг ўзидаёқ бажариладиган битим оғзаки тузилиши мумкин.

Бундан ташқари, ёзма шаклда тузилган шартномани бажаришга қаратилган битимлар (агар қонун ҳужжатлари ва шартномага зид бўлмаса) тарафларнинг келишувига мувофиқ оғзаки тарзда тузилиши мумкин.

Битимни нотариал тасдиқлаш эса Фуқаролик кодексининг 107-моддаси талабларига мос келадиган ҳужжатда нотариус ёки бундай нотариал ҳаракатни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган бошқа мансабдор шахс томонидан тасдиқловчи устхат ёзиб қўйиш йўли билан амалга оширилади.

Қуйидаги ҳолларда битимлар нотариал тасдиқланиши шарт:
— қонунда кўрсатилган ҳолларда;
— тарафлардан бирининг талаби бўйича.

Саволга Юнусобод тумани ДНИ нотариуслари Улуғбек СОБИРОВ, Ҳабибулла ОТАҚЎЗИЕВ жавоб берди.

Қандай ҳуқуқларга эгаман?

– Кекса ва ёлғиз яшайдиган қўшним билан уни умрбод таъминлаш шарти билан турар жойидан фойдаланиш шартномасини тузишга келишиб олдик. Айтинг-чи, мен бу турар жойдан фойдаланишда қандай ҳуқуқларга эгаман?

Ж.Бурхонов
Тошкент вилояти

Умрбод таъминлаш шарти билан уй ёки квартирани бошқа шахсга бериш шартномасининг предмети бўлган турар жойдан фойдаланиш шу шартнома шартларига мувофиқ амалга оширилади. Демак, сизнинг турар жойдан фойдаланишда қандай ҳуқуқларга эга бўлишингиз ҳам мазкур шартноманинг қандай тузилишига боғлиқ. Хусусан, унда турар жойдан фойдаланишнинг қонун йўл қўядиган маълум бир усули, масалан, турар жойни фойдаланиш учун учинчи шахсга бериш белгиланиши ва сиз бу ҳуқуқдан фойдаланишингиз мумкин.

Саволга Олмазор тумани ДНИ нотариуси Нилуфар ЗУФАРОВА жавоб берди.

ОГОҲЛИК

Мавсум ташвишлари

Кунлар исиши билан ариқлар, очиқ сув ҳавзалари, анҳор ва кўлларнинг бўйларида салқинлашни, танга роҳат бағишловчи нахрларда чўмилишни истаб қоламиз. Албатта, фусункор табиат бағрида чигал ёзиш, чарчоқни унутиб, асабларни тинчлантирганга, тоза ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олганга нима етсин! Айниқса, оқар сувга чўмилиш нақадар завқли. Бундай масканлар ҳафтанинг шанба ва якшанба кунлари янада гавжумлашади.

Бироқ айрим ҳолларда сузиш ҳавзаларида кўнгилсиз ҳодисаларнинг учраши дилни хира қилади. Сузишни яхши билмаслик, чўмилиш қоидаларига риоя қилмаслик, спиртли ичимликлар истеъмол қилган ҳолда сувга шўнғиш каби ҳолатлар бунга сабаб бўлмоқда. Бундан ташқари, сузиш пайтида енгилтаклик ёки лоқайдлик билан ўз кучига ортиқча ишониш, сув ва қайиқда безорилик ёки ноўрин хатти-ҳаракатлар қилиш ва нотаниш жойда ёлғиз чўмилиш ҳам яхшиликка олиб келмайди. Айримлар соҳилнинг нарёғигача бемалол сузиб ўтишга баҳс бойлашиб, сувнинг ўртасига етиб келганда ҳолдан тойиб қоладилар. Бундай қалтис вазиятда на сузишни давом эттиради, на ортга қайта олади.

Баъзан шундай вазиятлар ҳам бўладики, яхши ният билан чўмилиш масканларига оилавий бўлиб чиққанлар орасида ҳам бахтсиз ҳодисалар учраяпти. Ўтган йили Тошкент вилоятининг «Чорвоқ» сув омборида бир аёл чўкиб кетаётган боласининг ҳаётини сақлаб қолиш мақсадида ўзини сувга отади. Бояқиш она на боласини, на ўзини қутқариб қола олади. Афсуски, оқибати кўнгилсизлик билан тугаган шунга ўхшаш мисоллар ҳар бир кишини ҳушёрлик ва огоҳликка ундамасдан қолмайди.

Ҳукуматимиз фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш борасида бир қанча ишларни амалга ошириб келмоқда. Жумладан, ФВВ ва унинг вилоятлардаги бошқармалари ҳузурида «Сувда қутқарув» гуруҳлари ташкил этилган. Илгари ғаввослар Россиянинг Воронеж шаҳрида ўқитилган бўлса, бугун улар республикамизда, ФВВ қошида ғаввослар мактабида таҳсил олишмоқда. Бу даргоҳни битирган юзлаб қутқарувчи-ғаввослар жойларда хизмат вазифаларини сидқидилдан бажариб келяпти.

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги қошидаги Тезкор ҳаракат қилувчи республика кўп тармоқли маркази, Чирчиқ шаҳридаги тезкор ҳаракат қилувчи махсус отряд, пойтахт «Сувдан қутқарув хизмати» ҳамда ҳудудий бошқармаларда фаолият олиб бораётган ғаввослар сув ҳавзаларида аллақачон навбатчиликни бошлаб юборганлар. Сувдан қутқарув гуруҳининг аксарияти ғаввослик кийимлари ва бошқа асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Улар чўкаётганларни қутқариб қолишдан ташқари, тез тиббий ёрдам кўрсатиш кўникмаларини ҳам ўзлаштириб олганлар. Шунингдек, хизматнинг транспорт воситалари, моторли қайиқлари, тезкор алоқа ҳам мавсумга шай ҳолатга келтирилган. Аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари ва ОАВдан унумли фойдаланиш ҳам ўзининг ижобий самарасини бермай қолмайди.

— Мен невараларимни чўмилишга олиб чиққан эдим, — дейди Тошкент шаҳар Олмазор тумани Қорақамиш даҳасида истиқомат қилувчи Барно Маҳмудова. — Шундоққина кўз ўнгимда тахминан 19-20 ёшлардаги ажнабий йигит чўка бошлади. Бундан хабар топган қутқарувчи-ғаввослар зудлик билан уни сувдан олиб чиқишди ва ўзига келтиришди. Орадан кўп ўтмай, у етиб келган "Тез тиббий ёрдам" машинасида шифохонага олиб кетилди.

Бундай мисолларни қутқарувчи-ғаввослар олиб борган ишлари алоҳида қайд этиб бориладиган махсус журналдан ўнлаб келтириш мумкин. Чунончи, пойтахтнинг Юнусобод тумани Жума масжид кўчасидан Нодира Муҳамедова (ўғли), Яккасарой тумани, Тошбулоқ кўчасидан Саидрасул Аъзамов (набираси), Олмазор тумани Форобий кўчасидан Гулнора Илёсова (2 нафар ўғли) ҳамда Навоий вилоятининг Зарафшон шаҳрилик Алёна Бикова (набираси) ва бошқа манзилларда истиқомат қилувчилар ҳам яқинлари, қариндошларининг ҳаёти сақлаб қолингани учун қутқарувчи-ғаввослар дафтарига миннатдорлик изҳорларини битишган.

Пировардида шуни айтмоқчимизки, ҳар бир инсон ўзи ва атрофидагилар учун хавфсизлик чораларини кўрсаларгина, ўз оиласи ва қариндошларини чуқур қайғуга солиб, ноқулай аҳволда қолдирмайдилар. Чунки халқимиз: «... сув балосидан Яратганнинг ўзи асрасин», деб бежиз айтмаган.

Азамат СУЮНОВ,
журналист

«ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ» ТАНЛОВИГА

ИСТИҚЛОЛ ҲАДЯ ЭТГАН НЕЪМАТЛАР

Тошкент халқаро аэропортида бу яқин орада бўлмаган эдим. Ҳиндистонда малака ошириб қайтаётган дўстимни кутиб олиш баҳонасида у ерга йўлим тушиб қолди. Соат тунги иккилар чамаси. Кутиш зали гавжум. Ҳар замонда аэропорт операторининг овози эшитилади: "Сеулдан 105 рейс билан учган самолёт Тошкентга келиб қўнди..." Чиқиш йўлагидан эса тинимсиз Ўзбекистонга келган меҳмонларнинг, хориж сафаридан қайтаётган юртдошларимизнинг қадами узилмайди. Бир зум дунёнинг турли тилларида сўзлашаётган одамларнинг орасида бўлганимдан сўнг ўзимнинг қаердалигимни ҳам эсдан чиқараёздим. Худди хорижнинг гавжум шаҳарларидан бирига бориб қолгандай ҳис қила бошладим ўзимни.

Шу пайт кутиш залининг бурчагида мобиль телефонидан кимгадир қайта-қайта қўнғироқ қилаётган ажнабий киши эътиборимни тортди. Афтидан ким биландир боғлана олмай ташвишланарди. Вақтим бемалол бўлгани, эндигина ўрганаётганим — инглиз тилини қанчалик ўзлаштира олганимни билиш ҳисси мени у билан суҳбатлашишга чоғлади.

«Ёрдамим керакмасми?» деган мазмунда гап қотдим. Унинг юзи ёришиб кетди. Англашимча, у Баҳодир исмли тадбиркор юртдошимиз билан янги иш келишуви юзасидан учрашмоқчи экан. Иттифоқо, Баҳодир пойтахтдан четроқда, бир-икки кунлик зарур иш билан ушланиб қоладиган бўлибди. Меҳмонхонага бориши учун йўл кўрсатишимни сўради. Билганимча тушунтирдим. Унга ёрдам берган киши бўлиб кўча юзига бошлаб чиқдим. Атрофимиздан машиналар ғиз-ғиз ўтиб турганини кўриб шеригимнинг ақли шошиб қолди.

— Шу машиналарнинг ҳаммаси хусусийми? — сўради у чароғон кўчаларни тўлдириб ўтаётган автоуловларга қараб.

— О, yes, «прайвит», — дедим уни тушунганим учун. — Ўзимизники, own avto.

У йўлга ишора қилди.

— Ҳаммаси замонавий машиналар, — деди ҳаваси келаётганини яшира олмай. — Халқингиз бой экан...

Менинг ҳам завқим келиб:

— Ҳаммаси ўзимизда ишлаб чиқарилади. Ўзбек автомобиллари Россия, Украина, Белорусь, Қозоғистон, Туркманистон, Арманистон, Грузия, Молдова каби кўплаб мамлакатларга экспорт қилинмоқда, — дедим ғурурим ошиб.

Гап орасида "Асака шаҳридаги "General Motors Uzbekistan" компаниясида яратилаётган машиналар замонавий стандартларга мослиги, қулайлиги, хавфсизлиги, ишончлилиги ва тежамкорлиги билан манаман деган машҳур маркалардан қолишмайди, — дедим унга мазкур шаҳар ҳақидаги билганларимни ҳам қўшиб, — Самарқанддаги "SamAvto" заводида эса "ISUZU" русумли автобуслар, юк автомобиллари, ихтисослаштирилган транспорт воситалари — автофургон, сув ва чиқинди ташиш машиналари, автоминоралар, эвакуаторлар тайёрланади. "Jv MAN Avto — Uzbekistan" қўшма корхонасида эса замонавий юк ташиш автомобиллари ишлаб чиқарилди", деб билганимча гапириб бердим. Дарвоқе, эрта тонгда дўстим билан Самарқандга жўнаймиз, вақтинг бемалол экан. Бирга олиб кетамиз, дедим менинг ҳам тилим қайралиб бораётгани учун суҳбатдошимдан айрилгим келмай. У Бразилиядан экан. Исми — Рикардо португалча гапираркан-у, инглизчаси ўзим қатори. Дарҳол рози бўлди. Уни меҳмонхона ёнидан эрталаб 9:00 ларда оладиган бўлдик.

Самарқанд сўзини эшитиб унинг кўзлари порлаб кетганди. Кейин у Бухоро, Хива, Самарқанд шаҳарлари ҳақида интернетда ўқиганини, ушбу тарихий шаҳарларга саёҳат қилиш орзуларидан бири эканини айтиб хайрлашди.

Шу пайт аэропорт операторининг ёқимли овози янгради: "Деҳлидан 103-рейс билан учган самолёт Тошкентга келиб қўнди..."

Бўлган воқеани дўстимга ҳам айтиб бердим. Ҳатто унга «Жаноб, Ҳиндистон сафаридан хуш келдингизми?» деган сўзни инглиз тилида айтдим. У эса кулиб: «Бинойидай тилинг чиқиб қолибди-ку», деди кулиб. Астойдил ҳаракат қилса тил ўрганиш қийин эмас экан. Дўстимга Самарқандга Рикардони ҳам таклиф қилганимни айтдим.

Хуллас, эрталаб йўлга чиқдик.

Йўлда кетаяпмиз. Атрофда боғ-роғлар... Ҳар қадамда бир-биридан кўркам тамаддихоналар, чойхоналар. Рикардо Андерсонга кўз қиримни ташлайман. У жаннатмонанд юртимизнинг фусункор табиатига маҳлиё бўлиб борарди. Алишерни йўл толиқтирган экан, бироздан сўнг уйқуга кетди. "Nexia" эса кенг ва равон йўлдан бургутдек учарди гўё. Меҳмон эса йўл-йўлакай ўз таассуротларини ўртоқлашиб борарди. У Ўзбекистонга келгунига қадар мамлакатимизни тамоман бошқача тасаввур этган, юртимизни қолоқ давлат деб ўйлаган экан. Аммо замонавий мактаблар, коллежлар, дам олиш масканларини, одамларнинг турмуш тарзини кўриб, Ўзбекистон Осиёнинг етакчи давлатларидан бири эканига ишонч ҳосил қилди.

— "Nexia" яхши машина-да, — деди бизга ҳамроҳ бўлган такси ҳайдовчиси ҳам уловини мақтамоқчи бўлиб. — Сотиб олганимга беш йил бўлди. "Жонивор"нинг жони тошдан ҳам қаттиқ экан. Фақат ёнилғи қуйиб "босганим-босган". Бир неча марта мой алмаштирганимни айтмасам, ҳозирча бирор жойи тиқ этгани йўқ. Қани имкониятинг бўлса, янги моделларидан ҳам сотиб олсанг.

— Шукур қилинг, ака, — дедим унга. — Бунга етганлар бор, етмаганлар қанча.

— Шундай дейсиз-у, ука, — деди у кўзини йўлдан узмай. — Йилдан-йилга одамларнинг талаби ва истаги ортиб бораяпти. Ҳозирги ишлаб чиқарилаётган автомобиль моделлари ҳам шунга мос. Масалан, "Damas", "Tico", "Nexia" автомобиллари биринчи қалдирғочлар эди. Лекин кейинчалик "Matiz", "Lacetti", янги русумдаги "Damas", "Nexia" автомобиллари олдингидан анча фарқ қилади. "Lacetti", "Captiva", "Spark", "Epica"ларни айтмайсизми? Уларни ҳар кўрганда, бир энтикиб қўяман.

Гап билан бўлиб, Жиззахга келганимизни сезмай қолибмиз. Аллақачон тушлик вақти ҳам бўлиб қолганди. Йўл четидаги ошхона олдида тўхтаб, ҳовлидаги тут соясига ўрнатилган сўрида ош едик. Бу орада меҳмонимизга яна бир ўзбек автосини — ошхонага ул-бул олиб келган "ISUZU" русумли юк автомобили таништирдик. У Рикардо Андерсонга ёқиб қолди. Унинг наздида, мазкур турдаги автомобиллар тадбиркорлар учун жуда қулай экан.

Кейинги манзилимиз кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳри бўлди. У ерда дастлаб Мирзо Улуғбек расадхонасини, кейин эса Шоҳи Зинда, Регистон майдони, Гўри Амир мақбараси сингари тарихий жойларни бирга зиёрат қилдик. Мазкур жойлар ҳақида билганларимизни меҳмонга айтиб бердик. Дўстим Алишер ҳам анча тил билгич экан. Менга имкон берган киши бўлиб ҳар замонда гапга аралашиш билан ўзини тийиб юрди. Рикардо ўзида йўқ қувонди. Ўзбекистонни севиб қолганини айтди.

Кечга яқин уни Тошкентга кузатиб қўйдик.

Икки кундан сўнг қайтиб келсак, Рикардо Андерсон бизнинг таклифимиз билан Тошкентда қолган экан. У бу вақт давомида пойтахтимизнинг кўплаб диққатга сазовор жойларини бориб кўрибди. Унга, айниқса, Мустақиллик майдони, Миллий боғ, Алишер Навоий номидаги кутубхона манзур бўлибди.

Бу орада у бизнес шериги Баҳодир билан ҳам учрашди. Рикардо ватанига қайтадиган куни уни чойхонада, ўзбекчасига меҳмон қилиб кузатдик.

Қадрдонларча хайрлашиб, унинг инглиз тилида айтган бўлса-да, "Uzbekistan is the best!" деган сўзлари вужудимни қалқитиб юборди.

Азим РЎЗИЕВ,
"Hurriyat"мухбири

Т.НОРҚУЛОВ олган суратлар

ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР

ШАХС, ЖАМИЯТ ВА ТАРАҚҚИЁТ

Ҳар бир жамият эҳтиёжларидан келиб чиқиб мажбурий равишда ижтимоий билимларни ёш авлодга ўргатиш учун шарт-шароит яратади. Демократик давлатларда эса ижтимоий таълим фикрлар тўқнашуви ва уларнинг ўзаро тўлдирувчанлиги тарзида шакллантирилади. Ўзбекистон таълим тизимида ҳам академик лицей ва касб-ҳунар коллежларда ўқув режасига ижтимоиёт билимлари асоси сифатида «Шахс ва жамият» ўқув предмети барча фанлар қаторига киритилган. Ҳозирги вақтда ушбу фаннинг барча зарур таркибий қисмлари — дастури, ўқув қўлланмасию дарсликлари яратилиб, ўқув жараёнларидан муқим жой эгаллаган.

«Шахс ва жамият» ўқув предмети таълим масканларида нафақат гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий, балки муайян жиҳатлардан табиий-илмий йўналишларда ўқитиладиган фанлар хулосаларини ўзида жам этади ва якунлайди. Шунга кўра, унинг предмет соҳаси, йўналтирилган мақсади ва бажарадиган вазифалари аниқланган. Ўқув курсининг предмет доираси анча кенглигига қарамай дарсликлар меъёрий ҳужжатларда белгиланган ҳажмда берилган. Ушбу предметнинг «Ижтимоиёт асослари» ўқув қўлланмаси, «Шахс ва жамият» ва «Инсон ва жамият» дарсликлари таркибининг мантиқий тузилиши «инсон — шахс» — инсоншунослик (антропосоциосинтез, инсоннинг шахс тавсифи), «социум — жамият» — жамиятшунослик (ташкилий тузилма сифатида жамият, унинг соҳалари, ижтимоий — моддий жараёнлар) цивилизация — маданият — маданиятшунослик ва «глобаллашув ва ахборот технологик жамият» ҳозирги дунё (тизимий таҳлил, глобал муаммолар, янги жаҳоний цивилизация шаклланиши) блокларини қамрайди. Кўринадики, курсда ижтимоий оламнинг яхлит қиёфаси, инсон ва унинг жамияти ҳақидаги фалсафий-социологик-антропологик, фалсафий — культурологик ва социологик — политологик билимлар синкретик тарздаги битта ўқув предметига интеграцияланган. Унинг бундай муайянлиги ёш авлоднинг улғайиши, ҳаётга мустақил қадам қўйиши, инсон ва жамиятга хос билимларни ўзлаштириш даврида ўзининг табиатидаги шахс бўлиш салоҳиятини рўёбга чиқаришга кўмаклашади.

Шунингдек, дарсликларда XX асрни тўла ва XXI аср бошларини қамраган «ҳозирги дунё» тушунчаси ифодаланган воқелик мулоҳаза қилинади. Тушунтириладики, ҳозирги даврда асосан Ғарб саноатлашган жамиятлари ютуқлари тарқалишини ифодалаган глобаллашув кейинги 50-60 йил давомида янги маданий алмашинув, умумжаҳон иқтисодий бозорининг шаклланиши, барча халқлар ўзаро алоқалари ягона майдони асосий векторларини ўзида жам этади. Айни вақтда глобаллашувнинг салбий жиҳатлари техноген цивилизация туғдирган умумбашарий муаммолар билан қўшилиб инсоният тақдири учун жиддий хавф солмоқда. Бу муаммолар ҳал этилишининг асосий шарти БМТ даражасида куч-ғайратларни бирлаштириш ҳисобланади.

Шу ўринда мазкур предметнинг таълим масканларида мунтазам ўқитилиб келинишида фан муаллифи Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг доценти, фалсафа фанлари номзоди Шодмонқул Азизовнинг саъй-ҳаракатлари катта бўлганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Бу ишда унга профессорлар Н.Комилов ва Н.Жўраевларнинг ёрдами салмоқли бўлганини айтиб ўтишимиз керак.

Қисқаси, дарсликлар ўтган 10 йилча вақтда зарур синовлардан ўтди. Улар тобора такомиллаштирилиб борилди. Муаллиф бу йўналишдаги фаолиятини яна давом эттириб, янги-янги адабиётлар яратади, деб ўйлаймиз.

Қаландар
АБДУРАҲМОНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
халқ таълими ходими,
иқтисод фанлари доктори,
профессор

ЯХШИЛАР ЁДИ

Саҳарлаб маҳалла бўйлаб пиёда юриш одатим бор. Ҳар сафар қўшним Мирҳолиқни дарвозаси олдидаги турфа гулларни парваришлаб суғораётганини кўриб, беихтиёр раҳматли отаси Самиқ ака ёдимга тушади. Ширинсўз, меҳнаткаш, маҳаллада ҳурмат-иззати жойида инсон эди. У кишининг суратига балки сизнинг ҳам кўзингиз тушган бўлиши мумкин. Чунки Самиқ отанинг «Чол ва набира» портретини пойтахтимизнинг Ҳамза туманида жойлашган «Нуроний» шифохонаси ҳовлиси, Чилонзор туманидаги «Бектўпи» маҳалласи, Ўзбекистон консерваторияси биноси, қолаверса, Чиноз тумани ҳудуди катта магистрал йўли ва бир қанча кўча, хиёбонларида кўрасиз.



Эл эслаган инсон

Тожиев Самиқ Мирзабой ўғли 1927 йилнинг кўкламида Тошкентнинг Дўмбиробод даҳасида деҳқон оиласида дунёга келган. Ўша замонларда Дўмбиробод шаҳар биқинидаги қишлоқ эди. Оиланинг бир нечта ишкомли боғи, томорқаси бор бўлгани боис, у болалиги суяги меҳнатда қотган, деҳқончиликнинг ҳадисини олган, боғбончилик билан шуғулланган. Биз биламизки, 1957 йилларга келиб, пойтахт жанубий ғарбга қараб кенгайган, боғлар ўрнига турар жойлар барпо бўлди.

Тақдир тақозоси билан Самиқ отанинг оиласи Тошкент вилоятининг Пскент туманига кўчиб борди. Ва Мирзабой амаки ўғли Самиқ билан узоқ йиллар деҳқончилик қилди, айниқса, улар етиштирган босволди, бўрикалла, асати, оби-новвот, чўғари, зармитан, тошлоқи, бешуруғ, оққовун, кўкча, шакарпалак каби ширасі тилни ёрар қовунларнинг довруғи кетган эди. Уни одамлар «Деҳқон домла» деб чақиришининг боиси ҳам шу.

— Ер одамни едиради, тўйдиради, — дерди Самиқ ака гурунг қилганимизда. — Меҳнат эса одамни қадр топтиради, элнинг назарига туширади. Одам учун эл эслашидан улуғ мукофот бормикин? Қодирий домланинг «Обид кетмон»ни неча бор ўқиганимнинг ҳисобини билмайман, аммо ҳар сафар ундан ҳаётнинг бир сабоғини оламан. Одам юз йил яшаши мумкиндир, аммо ҳаёт дарсини олганнинг умрида мазмун бўлади, ортидан яхши из қолади. Фозил ўғил, оқила қиз фарзандлари одамдан қолган яхши из.

Дарҳақиқат, Самиқ ота оилапарвар эди. Раҳбархон ая билан уч нафар ўғил, тўрт нафар қизни тарбиялаб вояга етказишди. Бахт дегани шу бўлса керак-да, улар 28 набира, 62 нафар чеваранинг меҳрибон бува-бувиси, кўп савобли ишларга бош-қош бўлишди.

«Дўмбиробод» маҳалласида каттаю кичик Самиқ отани иззат-икром билан эслайди. Унинг ўзи айтгандай яхшидан яхши из қолди. Мирҳолиқнинг ҳам отасига тортгани рост бўлсин.

Йўлдош МАНСУРОВ,
журналист, меҳнат фахрийси

ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 21 ЙИЛЛИГИГА

Фарғонада спорт янада оммалашмоқда

Қаерда спорт кенг қанот ёйиб ривожланса, она юрт шуҳратини дунёга ёйса, ўша ерда обрў ва қадр топади. Фарғонада ҳам ана шундай. Шу кунларда олийгоҳларда, касб-ҳунар коллежлари ва лицейларда, умумтаълим мактабларда, қаердаки бўлманг, спорт ёшларимиз ҳаётининг бир қисмига айланганига амин бўласиз. Бугун вилоятда спортнинг ўттизга яқин тури бўйича доимий ва жиддий шуғулланаётган ўғил-қизларнинг сони 165 минг нафарга яқин. Бундан уч йил аввал спортсеварлар сони юқоридаги рақамнинг ярмига ҳам етмасди.

Айни пайтда вилоятда Жаҳон ва Осиё чемпионлари 50 нафар, халқаро миқёсдаги турли мусобақаларнинг ғолиблари ва совриндорлари эса 100 нафардан ортиқ. Чемпионлар ҳақида гап кетганда, бокс бўйича жаҳон чемпионлари Шерзод Ҳусанов, Дилшод Маҳмудов, Азамат Абдуҳакимов, Зоҳид Султонов, Азиз Раҳмонов, Баҳодир Мамажонов, Элдор Турсунов, Рустам Султоновлар ва оғир атлетика бўйича Андрей Мартемьянов, теннис бўйича Нилуфар Сотволдиева, таэквондо бўйича Бобобек Қазақов, Комилжон Мамажонов, байдаркада эшкак эшиш бўйича Шавкат Азизов каби ўнлаб ёшларнинг номини келтириб ўтишимиз мумкин. Шу кунларда XXX ёзги Олимпиада мусобақаларига жўнаб кетишаётган ўзбекистонлик бир гуруҳ спортчи орасида 5 нафар фарғона фарзандларининг бўлиши ҳам вилоятимизнинг ютуғи. Эътиборлиси, уларнинг барчаси жаҳон чемпионлари — Ўктам Раҳмонов ва Элшод Расуловлар бокс, Акмал Эргашев таэквондо, Марина Сисоева оғир атлетика бўйича, Сергей Лагутин велоспортдан.

Таъкидлаш ўринлики, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантиришда, аҳоли ўртасида спортни тарғиб этишда вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Фарғона вилоят филиали, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси жисмоний тарбия ва спорт жамияти вилоят кенгаши ҳамда жонкуяр ҳомий ташкилотларнинг хизмати катта бўлаётир. Шунингдек, фарғоналик спортчиларнинг мамлакатимизда ўтказилаётган нуфузли беллашувларда, халқаро мусобақаларда эришаётган ютуқлари замирида бевосита болалар ва ўсмирлар спорти мактабларининг салмоқли ҳиссаси ётади. Вилоятдаги олтмишдан зиёд ана шундай мактабларда ҳозирда республикамизга таниқли бўлган спорт усталари ва жаҳон чемпионлари мураббийлик қилишмоқда. Жумладан, бокс бўйича уч карра жаҳон чемпиони Шерзод Ҳусанов, велоспорт бўйича Анвар Йўлдошев, Игорь Жўраев ва Виктор Пронин, кураш бўйича Раҳматилла Олимов, Хайрулло Расулов, Аббосали Халилов, байдаркада эшкак эшиш бўйича Соҳибжон Маматқуловлар номини ғурур билан тилга оламиз.



Мамлакатимизда уч босқичда ўтказилаётган анъанавий «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» мусобақаларида фарғоналик ёшлар қўлга киритаётган юқори кўрсаткичлар, энг аввало, вилоят спортининг дастлабки ва муҳим бўғини — болалар ва ўсмирлар спорти намунали йўлга қўйилгани билан ҳам изоҳланади. Бунинг самараси ўлароқ, жорий йилда «Умид ниҳоллари» мусобақасининг Навоий вилоятида ўтказилган 2012 йилги беллашувларида 3 та олтин, 14 та кумуш ва 13 та бронза медалини қўлга киритган Фарғона терма жамоаси «Энг намунали жамоа» сифатида эътироф этилди.

— Республикамизда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ташкил топиши ва фаол амал қила бошлаши болалар учун мустаҳкам спорт базаларини яратиш, уларнинг ҳар томонлама соғлом ва етук бўлиб улғайишига, спорт оммавийлигини таъминлашга катта ёрдам берди, — дейди мазкур жамғарманинг Фарғона вилоят филиали директори Маърифжон Турдиматов, — 2003 йилдан буён вилоятда 112 та спорт иншоотлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. 65 та янги спорт заллари ишга туширилди, 22 та спорт иншооти қайта реконструкция қилинди. Шу кунларда Фарғона вилоятида 2013 йилда янги қуриладиган ва мукаммал таъмирланадиган объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ишлари ниҳоясига етмоқда.

Ҳа, бугун Фарғона вилояти республикамиздаги кўзга кўринган спорт марказларидан бирига айланиб бормоқда. Умид қиламизки, бундан кейин ҳам бу борадаги ислоҳотлар давом этаверади. Ўз навбатида, яратилган қулай шароит ва имкониятлардан унумли фойдаланган йигит ва қизларимиз ўзларининг ғолибона ва зафарли одимлари билан нафақат вилоятимизнинг, балки республикамизнинг номини дунёга мардонавор танитаверади.

Солиҳ ҚАҲҲОРОВ,
«Hurriyat» мухбири

АСРЛАРНИНГ АСРАГАНЛАРИ

Сурхондарё вилояти жонажон Ўзбекистонимиз жанубида, Сурхон-Шеробод кенгликларида жойлашган ўзига хос воҳадир. Биласизки, бу ҳудудда кейинги йилларда олиб борилган археологик қазишмалар ўзининг илмий-тарихий аҳамиятига кўра анча шовшувларга сабаб бўлди. Зотан, тараққиётнинг олдинги сафларида бораётган японлар ҳам ўз динларини олис Сурхон сарҳадларидан ўтиб борганини тан олгани бежиз эмас. Термиз Археология музейи Марказий Осиёда ягона ҳисобланади. Унинг директори тарихчи олим Исмоил Ботиров воҳа ўтмиши, осори-атиқалари ҳақида шундай дейди:

КЕЛАЖАГИМИЗ АСОСЛАРИ

— Таъкидлаш керакки, Сурхон замини, ундаги ўтмиш ёдгорликлари, осори-атиқалар Ватанимиз тарихининг узвий бўлагидир. Илм аҳлининг фикрича, энг қадимги аждодларимиз илк манзилларини турли ёввойи ҳайвонларга бой ва ёввойи ўсимликлар билан қопланган тоғ ўрмонларида, Бойсун тоғларидан оқиб тушувчи дарёлар этакларида барпо этишган. Улар орасида энг қадимгилари ўрта ва юқори палеолит даврига мансуб (тахминан 10-12 минг йил аввал) Тешиктош ва Мачай ғорлари ҳисобланади.

Тешиктош ғоридан топилган неандертал боланинг суяклари Ўзбекистон ҳудуди ҳозирги замон одамининг шаклланиш манзилларидан бири бўлган, деган илмий хулосага олиб келади. Ёки Кўҳитанг тоғларидаги Зараутсой қоятош расмларини олайлик. Ғор шифтларидаги 200 дан ортиқ мезолит (12-8 минг йил аввал) даврига мансуб суратлар охра бўёғи ёрдамида юқори маҳорат билан тасвирланганини ўзиёқ аждодларимизнинг бекиёс истеъдодидан дарак бериб турибди.

Милоддан аввалги иккинчи минг йилликнинг ўрталари. Ўша пайтдаёқ бобокалонларимиз Кўҳитанг ва Бойсун тоғолди ҳудудларини ўзлаштириб, Сополлитепа, Жарқўтон, Мўлалитепа манзилгоҳларига асос солишди. Худди шу даврга келиб примитив (қўлбола) усулдаги сунъий суғориш, уй ҳайвонларини асраш, ҳунармандчилик каби маданий хаёт намуналари пайдо бўлди. Мазкур даврга мансуб ноёб топилмалар воҳада нафақат деҳқончилик ва ҳунармандчилик, балки мамлакатимиз миқёсида илк давлатчилик шаклланганлигини далиллайди. Дарвоқе, шу ўринда тарих солномаси яна тўрт юз йилга қадимийлашганини ифтихор билан таъкидлаш лозим. Бунга эса 2010 йилда Шеробод туманидаги Тиллабулоқ ёдгорлигидан милоддан аввалги XX асрга мансуб аждарҳо тасвирли мармарга ўхшаш оҳактошдан ясалган мухрнинг топилиши сабаб бўлди.

Ғурур билан айтиш мумкинки, ҳозирги замон ўзбек археологияси томонидан илм-фанда яна бир жаҳоншумул янгилик 2010 йилда Бойсунда олиб борилган археологик қазилма чоғида рўй берди. Тасаввур қилинг-а, Қўрғонзол ёдгорлигидан милоддан аввалги IV асрга тааллуқли сопол ванна топилди. Ушбу топилма музейимиз ходимлари томонидан таъмирланиб, асл ҳолатига келтирилди. Шубҳасиз, бу ҳам воҳада ҳали милоддан анча аввал юксак шаҳар маданияти бўлганлигидан дарак беради.

Инсониятни мангу ҳайратга солиб турган буюк обидаларимиз ва тупроқ қаърида кўмилиб ётган ноёб осори-атиқалар, яъни археологик ёдгорликларимиз айниқса, бугунги кунда жаҳондаги қадимшунослар ва тарихчиларнинг нигоҳини кўпроқ ўзига қаратмоқда, десак, асло муболаға бўлмайди. Айни пайтда улар ўтмишнинг кўҳна ва сирли саҳифаларини ўрганишда ўзбек олимлари билан яқин ҳамкорлик қилишмоқда. Жумладан, Франциядаги илмий ишлар маркази директори, профессор П.Лериш бошчилигидаги гуруҳ Эски Термиз ҳудудида, Н.Борофка раҳбарлигидаги Германия археология ижодий гуруҳи Тиллабулоқ ёдгорлигида, Тоҳаристон мажмуаси археологик гуруҳи аъзоси, россиялик қадимшунос В.Соловьев Пошхурдтаги Дабилқўрғонда археологик қазилмалар олиб бормоқда. Музейимиз илмий ходимлари З.Холиқов ва З.Алимардоновалар эса Ўзбекистон Саньатшунослик илмий-тадқиқот институтининг археологик гуруҳи таркибида фаолият кўрсатмоқда.

Сурхон заминидаги Султон Саодат, Қирққиз, Кокилдор ота, ал-Ҳаким ат-Термизий, Далварзинтепа, Кампиртепа, Сополлитепа, Жарқўрғон минораси, Саййид Оталиқ мақбараси каби ўтмишимизнинг бебаҳо ёдгорликлари мустақил Ўзбекистонимизнинг чинакам фахридир. Эрамизнинг I-III асрларига мансуб Фаёзтепада олиб борилган тадқиқот ишлари бу ерда қадимий Будда ибодатхонасини аниқлаб, тарихнинг кўмилган яна бир саҳифасини очди. Эрамизнинг I-III асрларида улкан шаҳар тусини олган кўҳна Термиз ёхуд Қоратепа археологик ёдгорлигида 1998 йилдан буён ўзбек-япон қўшма археологик экспедицияси қазиш ишларини олиб бормоқда.

Эрамизга қадар III аср ва эрамизнинг III асрларига оид Кампиртепада Ўзбекистон Бадиий Академиясига қарашли Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтининг академиги Э.Ртвеладзе бошчилигидаги гуруҳ Москвадаги Шарқ музейининг илмий-тадқиқот гуруҳи билан ҳамкорликда қазув ишларини давом эттирмоқда. Шеробод туманидаги XVI-XVII асрларга мансуб бўлган "Қайроғоч ота" мақбара-ёдгорлигида Термиз давлат университети олимлари билан ҳамкорликда археологик қазув ишлари ўтказилди. Унга музейимиз ходими З.Холиқов раҳбарлик қилди. Қазилма ишлари давомида топилган 875 та экспонат музейимиз фондидан ўрин олди. 2005 йилдан буён Ўзбекистон Фанлар Академияси билан ҳамкорликда чехиялик таниқли олим Станко Ладислав бошчилигида ўзбек-чех қўшма археологик экспедицияси милодий XVI-XVII асрларга тааллуқли Шероботдаги Жондавлаттепа ёдгорлиги жумбоқларини очмоқда. Мазкур ҳудуддан 2005 йилдаёқ топилган 2500 дан ортиқ археологик топилмалар музейимиз фондинигина эмас, балки тарихимиз саҳифаларини ҳам бойитди. Ҳозирги кунда Жондавлаттепадан топилган осори-атиқалар сони 2 баробардан ошиб кетди. Термиз туманидаги Таллитоғоро (милоднинг I-VI аср) археологик ёдгорлиги 2007 йилдан буён Термиз Археология музейи илмий ходимлари томонидан ўрганилмоқда. Дастлабки тадқиқотларнинг ўзиёқ бу ёдгорликнинг илм-фанда тутган ўрни ниҳоятда муҳимлигини кўрсатмоқда.

Эътиборлиси, вилоят ҳудуди Кушонлар даврига оид археологик ёдгорликларнинг ниҳоятда кўп ва хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Кушон даври ёдгорликлари, айниқса, Чағаниён маданияти тарихида катта ўрин тутади. Холчаён ва Далварзинтепа археологик ёдгорликлари ушбу даврнинг йириқларидан ҳисобланади. Олиб борилган қазишма ишлари Кушон шаҳарлари юксак маданият ўчоқлари бўлганлигидан далолат беради. Бинобарин, Кушон подшолиги даврида воҳа ҳаётининг барча жабҳаларида тараққиёт ўта юксалганлигининг гувоҳи бўламиз. Шарқ ва ғарб дунёси ўртасида маънавий-маданий қадриятларнинг ўзаро алмашинишида муҳим восита ролини ўйнаган Буюк ипак йўлининг икки асосий йўналиши Кушонлар давлати ҳудудидан ўтганлиги ҳам бунга кераклича имкон яратган эди. Далварзинтепа ва Чағаниёндан топилган Кушон даври кумуш ва мис тангаларининг асл намуналари музейимиз нумизматика фондининг нодир бойлиги саналади.

Музейимизнинг "Кушон даври маданияти" кўргазма залидан жаҳоншумул аҳамиятга молик яна кўплаб нодир экспонатлар ўрин олган. Жумладан, Далварзинтепадан топилган кўплаб терракотик ҳайкалчалар, аёл кишининг суякдан ясалган тўғнағичлари, Будда ҳайкалининг бош қисми бўлаги, милодий I-II асрларга тааллуқли фил ва зебу тасвиридаги шахмат доналари ноёб осори-атиқалар ҳисобланади. Ушбу даврга оид кушонсосонийлар тангасининг намуналаридан бири (Ардашернинг олтин тангаси) музейимизнинг қимматбаҳо ашёлар сақланадиган залида намойиш этиб келинмоқда. Мухтасар қилиб айтганда, воҳа Кушонлар даврига мансуб археологик ёдгорликларга ғоятда бойлиги билан ажралиб туради. Чунончи, ўша даврга оид ўрганилган ёдгорликлар сони 150 дан зиёдни ташкил этади. Сурхон воҳаси ўзининг қадимийлиги билан ҳозирда илм аҳли ўртасида тан олинган. Ҳатто, соҳибқирон бобомиз Амир Темур ҳазратлари ҳам давлатчилик рамзи саналган туғ ва ноғорани ўз пири Саййид Барака қўлидан Термиз яқинида қабул қилиб олган эди.

Юртбошимиз Ислом Каримовнинг ташаббуслари ва лойиҳалари асосида қурилган Марказий Осиёда ягона Термиз археология музейи Термиз шаҳрининг 2500 йиллик юбилейи кунлари, яъни 2002 йилда ўз фаолиятини бошлаган эди. Ушанда археологияга оид экспонатларимиз сони 8 мингдан ошмас эди. Ҳозирда музейимизда 10 та томоша зали, битта қимматбаҳо буюмлар сақланадиган зал, битта кўргазмалар зали фаолият кўрсатмоқда. Булардан ташқари, музей ҳовлисида қадимий бинолар устунларининг асослари галереяси ҳам мавжуд. Бу ўта ноёб галерея Лувр (Франция), Рим (Италия) ва Афина (Греция) музейларидан сўнг фақатгина Термиз музейида мавжуд. Ҳозирда фондимизда 60 мингдан ортиқ экспонат ашёлар бўлиб, уларнинг 28 мингдан ортиқроғи нумизматика ашёларидир.

Замонавий талаблар ва жиҳозлар асосида қурилган музей кўргазма залларида воҳамизнинг милодга қадар 100 минг йилликдан тортиб, то XIX асргача бўлган ўтмиш тарихидан гувоҳлик берувчи 5 мингдан ортиқ ноёб экспонатлар томошабинларга намойиш этилмоқда. Шунингдек, музейда умумий фонди 17 минг нусхадан зиёд ўзига хос ноёб илмий кутубхона ва ўқув зали ҳам мавжуд. Археология музейининг веб-сайти интернет орқали республикамиз ZiyoNet компьютер тармоғига уланган. Ундан мамлакатимиз мактаблари ва ўқув юртлари ўқувчилари дарслик сифатида фойдаланиш мумкин.

Шомурод ШАРОПОВ
ёзиб олди.

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис:
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Манзилимиз:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Электрон манзил:
info@uzhurriyat.uz

Бош муҳаррир
Ўктам МИРЗАЁРОВ

Таҳрир ҳайъати:
Фирдавс АБДУХОЛИҚОВ
Камол АЛЛАЁРОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Ғулом МИРЗО
Феруза МУҲАММАДЖОНОВА
Акмал САИДОВ
Сайди УМИРОВ
Шерзод ҒУЛОМОВ

Телефонлар: 236-53-31, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

Вилоят мухбирлари:
Бухоро — 8-365-592-85-02,
Самарқанд — 8-366-233-62-12,
Сурхондарё — 8-376-396-30-59,
Фарғона — 8-373-215-80-58,

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.

ISSN 2010-7528
9 772010 752002 >
Индекс:
якка обуначилар ва ташкилотлар учун —233

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080-рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи:
Азим РЎЗИЕВ

Топшириш вақти — 21 00
Топширилди — 20 00

Адади: 6557 Буюртма — Г-755 1 2 3 5